



WWW.MV-VATANPARVAR.UZ



VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.

2020 йил 10 июль, № 28 (2883)

Баҳром Абдурахимов суратга олган

СЕРГАК НИГОҲЛАРДА ВАТАН АКСИ



6-бетда

МАЖМУАВИЙ
МАШҒУЛОТЛАР



14-бетда

ҲАРБИЙ МАҲОРАТ БИЛАН
УЙҒУНЛАШГАН ИСТЕЪДОД

● Бош офиси Лондон шаҳрида жойлашган PPP Experts халқаро ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигини 2020 йилда дунёда самарали фаолият юритаётган энг илғор ташкилот, деб топди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги бизнинг мукофотлар қўмитаси ва маслаҳат кенгаши томонидан 2020 йилда дунёнинг энг яхши ривожланаётган ДХШ бозори сифатида PPP Experts мукофотиغا лойиқ кўрилди. Танлов жараёнида биз ушбу нуфузли мукофот учун танланган бир нечта даъвогарларни синчковлик билан ўрганиб чиқдик ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг эришаётган улкан ютуқлари учун бу йилги мукофотни унга беришга қарор қилдик» дейилади хабарда.

Хабарда, шунингдек, Ўзбекистонда ДХШ йўналишида етарли ҳуқуқий база яратилгани, имзоланган битимлар, муваффақиятли амалга оширилаётган лойиҳалар, инвесторларнинг мамлакатга қизиқиши ортиб бораётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Маълумот учун: PPP Experts ташкилоти дунёдаги кўплаб давлатлар ва йирик молия муассасаларига ДХШ йўналишида маслаҳатлар тақдим этиш, турли тадбирларни ўтказиш орқали давлат ҳамда хусусий сектор ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам берувчи ташкилот ҳисобланади. У 50 дан ортиқ соҳанинг энг тажрибали мутахассисларини ўзида жамлаган.

ЎЗБЕКИСТОН



8

ВАТАН ДАРДИ БИЛАН
ЁНГАН МИЛЛАТМИЗ

11

ДЎСТИ ИСМИДАГИ
ЖАНГЧИ

16

БАХТЛИ БЎЛИШ
ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

18

ҲАЁТ
МАНЗАРАЛАРИ

ЎЗА

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар
билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy

Шавкат Мирзиёев: Бундай хатарли офатга асло бепарво қараб бўлмайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, жумлаан, шундай деди:

– Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, афсуски, бутун дунёда коронавирус пандемияси давом этмоқда. Дунёнинг қатор мамлакатларида касалликнинг иккинчи тўлқини бошланаётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотмоқда.

Бугунги ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, ушбу инфекцияга қарши курашда қандайдир «сеҳрли рецептлар» ҳали йўқ.

Жаҳон ҳамжамияти, дунёдаги энг йирик илмий марказлар, энг кучли олимлар бу офатга даво топиш учун қаттиқ изланмоқда. Ва бундай тадқиқотлар тез орада ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламиз.

Ҳозирги кунда республика-мизда касалликка чалинганлар сони 10 минг 982 нафарга, соғайганлар сони 6 минг 890 нафарга етди.

Тиббиёт ва санитария-эпидемиология ходимларининг касб малакаси ва жасорати, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фидойилиги, шунингдек, карантин давридаги қатъий интизом мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни нисбатан барқарор сақлаш имконини бермоқда.

Лекин бу хотиржамликка берилиш, бу масалага енгил-елпи қараш учун асос бўлмаслиги керак.

Чунки июль ойининг биринчи ҳафтасида беморлар сони 2 минг 167 нафарга кўпайган. Шундан 1 минг 267 та (58%) ҳолат аҳоли орасида аниқланган.

Бу карантин давридаги энг юқори кўрсаткичдир. Афсуски, беморлар орасида ўлим сони ҳам ортиб бормоқда. Бу барчамизни жиддий ташвишга солиши шарт.

Биз мамлакатимизда коронавирус аниқланган кундан бошлаб қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамиз: бу жуда мураккаб синов ва оғир кураш бўлади.

Бу курашда кўп нарса ўзимизга, ақл билан ҳаракатимизга, сабр-тоқатимизга темир интизом билан, қатъият ва жипсликда иш кўришимизга боғлиқ.

Лекин, минг афсуски, аҳоли ўртасида кўпчилик мана шу талабларга тўла амал қилмаяпти.

Айниқса, тиббий ниқоб тақ-

маслик ёки уни номига тақиш, санитария-гигиена қоидаларини бузиш, ўзаро қўл бериб кўришиш, ижтимоий масофани сақламаслик, заруратсиз оилавий тадбирларни ўтказиш ҳолатлари кун сайин кўпаймоқда.

Жойларда «яшил», «сарик» ва «қизил» ҳудуд тамойили тўлиқ ишламапти.

Биз бу борада аҳволни ўзгартириш учун аввало жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак.

Юзга келган вазиятни ҳисобга олиб, Республика комиссияси вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари билан бирга пандемияни жиловлаш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Тегишли раҳбарлар ўзига бириктирилган ҳар бир вилоят кесимида аҳолининг белгиланган чекловларга қатъий амал қилиши ва карантин талаблари бажарилиши устидан, жойига чиққан ҳолда, назорат ўрнатсин.

Албатта, биз қўшни давлатларда маълум сабабларга кўра қолиб кетган Ўзбекистон фуқароларини мамлакатимизга қайтариш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирларни кўраемиз.

Бироқ юртдошларимизга мурожаат қилиб яна бир бор таъкидламоқчиман: бутун дунёда минг-минглаб одамларнинг

ўлимига сабаб бўлаётган бундай хатарли офатга асло бепарво ва енгил қараб бўлмайди.

Касалликнинг бирор-бир кичик белгисини ўзингизда сездингизми, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

Ўзингизча уйда даволанманг. Бу оғир оқибатларга олиб келиши ва ниҳоят ўлим билан тугаши мумкин.

Ўзингизга ва оила аъзоларингизга нисбатан бепарво ва бефарқ бўлманг!

Халқимиз, оиламиз ва фарзандларимиз саломатлиги ва ҳаёти биз учун энг улғу бойлик экан, бу ўта муҳим масалада бефарқ бўлиб, карантин талабларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Буни ҳеч ким, аввало, барча раҳбар ва мутасаддилар ҳеч қачон унутмаслиги шарт.

Бугунги мураккаб вазиятда барчамиз «Ўз соғлигингни, ўз болангни, ўз оилангни ўзинг асра!» деган шiorга амал қилиб яшашимиз шарт.

Айни вақтда ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак.

10 июлдан 1 августга қадар республика миқёсида карантин чекловлари кучайтирилади

Республика махсус комиссияси қарори билан 2020 йил 10 июлдан 2020 йил 1 августга қадар республика миқёсида қуйидаги карантин чекловлари жорий этилди:

автотранспорт воситаларининг ҳаракати чекланди;

давлат органлари ва ташкилотларининг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқарилиши, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб (онлайн ёки дистанцион тарзда) ташкил этилиши белгиланди;

давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарда йиғилишлар ўтказиш тақиқланди, зарур ҳолларда йиғилишларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш белгиланди;

ҳудудлар ўртасида автотранспорт воситалари қатнови тақиқланди (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилотларга тегишли хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларининг ҳаракати бундан мустасно);

томоша, маданий-кўнғилочар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтқа-

зиш тақиқланди;

тўй ҳамда бошқа оилавий маросимларни ўтказиш тақиқланди;

65 ёшдан ошган шахсларнинг жамоат жойларида, шунингдек, аҳолининг кўчаларда ва майдонларда уч кишидан ортиқ бўлиб ҳаракатланиши чекланди.

Шунингдек, Республика махсус комиссияси қарори билан 2020 йил 10 июлдан 1 августга қадар республика миқёсида қуйидаги объектлар фаолияти тўхтатилди:

парклар ва истироҳат боғларидаги аттракционлар;

бўйим бозорлари ва бўйимлар савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконлар;

спорт заллари, фитнес клуб, тренажёр ва бассейнлар;

ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув курслари ва ҳар қандай тўғараклар;

умумий овқатланиш объектлари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона) (етказиб бериш (кейтеринг) хизмати бундан мустасно);

санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар ва бошқа дам олиш масканлари.

5 та вилоятда Президент мактаби қурилмоқда

Қабул муддати маълум

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги хабар қилишича, Бухоро, Жиззах, Қарши, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Президент мактабларини қуриш ва жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Мактаблар Самарқанд шаҳри Амир Темура кўчасида, Қарши шаҳри Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғига туташ ҳудудда, Жиззах шаҳри Олимпия заҳиралари спорт коллежи ёнида, Фарғона шаҳар Қашқар кўчаси ва Бухоро шаҳрининг Навоий шоҳкўчасида қурилмоқда.

Ўқув муассасалари бошқа Президент мактаблари каби 168 ўқувчига мўлжалланган. Бу ерда ётоқхона, стадион, бассейн, ёпиқ ва очик спорт заллари, кутубхона, болалар дам олиш жойлари, чет элдан келадиган ўқитувчилар учун алоҳида меҳмонхона, автотурагроҳ, ота-оналар учун қутиш жойи бўлади.

Маълумки, коронавирус пандемияси сабаб Президент мактабларига ўқувчилар қабули номаълум муддатга қолдирилган эди.

Бу вазиятга Агентлик томонидан аниқлик киритилишича, Тошкент, Нукус, Наманган ва Хива шаҳарларида фаолият юритаётган Президент мактабларига 2020/2021 ўқув йили учун ўқувчиларни бешинчи синфга қабул қилиш имтиҳонлари 2021 йилга қолдирилиб, 2021/2022 ўқув йилида ўқувчилар бешинчи ва олтинчи синфларга қабул қилинади. Имтиҳонлар эса болалар сонидан келиб чиқиб белгиланади.

Айтиш жоизки, Президент мактаблари мамлакатнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ташкил этилади. Президент мактабига боланинг ўқиш жойи бўйича ҳудудий тамойил асосида қабул қилинади. Бунда умумтаълим муассасаларининг тўртинчи синф битирувчилари имтиҳон асосида сараланади.

Бухоро, Жиззах, Қарши, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида очиладиган Президент мактабларига бешинчи синфдан ўнинчи синфгача ўқувчилар қабули ҳам келгуси йилда ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳозирча эса Президент мактабларида ўқиш истагида бўлган ўғил-қизлар имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўриши ва қўшимча вақтдан унумли фойдаланиб туриши мумкин.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

ИНТЕРВЬЮ

“ Ёш авлоднинг ҳарбий соҳага қизиқиши ошиб, ушбу шарафли касбни эгаллашга иштиёқ юксалмоқда. Буни жорий йилда курсант бўлиш истагини билдирган ёшлар сонининг сезиларли ортгани исботлайди. Айтилган Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни дастлабки танлаш тадбирлари давом этапти. Бундан мақсад ҳарбий билим юртиларига юқори интеллектуал салоҳиятга эга, соғлом, жисмонан бақувват ва руҳан барқарор ёшларни танлаб олишдан иборат. Қабул жараёнлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари – ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи полковник Шермухаммад САИДАХМАТОВ билан суҳбатлашдик.

– Мамлакатимизда пандемия шароити давом этмоқда. Шундан келиб чиқиб, Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаш, ўқишга қабул қилиш ва имтиҳонларни ўтказиш тартибига қандай ўзгаришлар киритилди?

– Ҳозирги пайтда коронавирус пандемияси туфайли барча олий таълим муассасаларига ўқишга қабул ва кириш имтиҳонларини соддалаштирилган ҳолда ўтказиш чоралари қўриляпти. Карантин вақтида ёшларнинг республикамиз олий таълим муассасаларига кириш бўйича тайёргарлик кўриш имкониятлари бироз чеклангани боис, мудофаа вазирининг кўрсатмасига мувофиқ, 2020 йил учун олий ҳарбий таълим муассасаларига (ОХТМ) номзодларни саралаш, имтиҳонларни соддароқ шаклда ўтказиш бўйича янги тартибни жорий этдик.

Жумладан, ОХТМ базаларида номзодларни якуний тиббий кўрикдан ўтказиш, компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билимларини текшириш, умумтаълим фанларидан



ёзма имтиҳон, психофизиологик ўрганишларни ўз ичига олган ҳарбий-касбий танлов тадбирлари бекор қилинди. Ҳар йили уч босқичда – туман, вилоят ва ОХТМ кесимида ўтказиладиган номзодларнинг тиббий кўриги янги вақтинчалик тартибга асосан икки босқичда – туман ва вилоят кесимида ўтказиляпти. Санитария қоидаларига риоя қилиш мақсадида номзодларни индивидуал-психологик ўрганиш ва умумжисмоний тайёргарлигини баҳолаш тадбирлари вилоятлар кесимида эмас, балки туманлар кесимида ўтказиляпти.

Коронавирус пандемияси шароитида санитария қоидаларига риоя қилиш мақсадида Давлат тест маркази томонидан олинадиган тест синовлари номзодлар яшайдиган вилоятларнинг ўзида ўтказиладиган бўлди.

– Имтиҳон жараёнида шаффофлик қай даражада таъминланади?

– Бунинг учун Мудофаа вазирлиги комиссияси тузилиб, улар фаолиятида жамоатчилик вакиллари, ота-оналар қатнашади. Имтиҳонларнинг барча жараёнлари видеотасмаларга тўлиқ ёзиб олинади.

– Тест синовлари қачон ўтказилади?

– Ушбу муддат Давлат тест маркази томонидан ҳали белгиланмади. Лекин бу республикамиздаги бошқа олий таълим муассасаларида ўтказиладиган даврда, тахминан 1–10 август оралиғида бўлиш эҳтимоли бор. Бу ҳақдаги аниқ маълумот, албатта, етказилади.

– Бу йил номзодлар неча фандан тест топширади?

– Номзодлар 5 та умумтаълим (3 та мажбурий, 2 та ихтисослик) фанларидан тест синовлари ўрнига янги тартибга асосан, фақат 2 та ихтисослик умумтаълим фанларидан (математика ва физика) тест синовлари топширадиган бўлди. Бунда иккала фанга 30 тадан савол берилиши, математика фанидан берган ҳар бир тўғри жавобга 3,2 балл; физика фанидан берган

АБИТУРИЕНТЛАРГА ҚАНДАЙ ЕНГИЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ?

ҳар бир тўғри жавобга 3,1 балл берилиши белгиланди.

Айтиб ўтиш жоизки, номзодларга ОХТМларга кириш учун тўплаган баллари етмаган тақдирда шу баллари билан тест синовни топшириладиган фанлар мажмуасига мос яна бошқа 5 та чага бакалаврият таълим йўналишларини танлаш ҳуқуқи берилипти. Ҳар йили ОХТМларга кира олмаган абитуриентлар бошқа олий таълим муассасаларига кириш учун ўз ҳужжатларини ОХТМлардан олиб, уларни бошқа фуқаровий ўқув муассасаларига топширишлари ва уларга кириш учун алоҳида тест синовларидан ўтишлари талаб қилинар эди. Энди эса бундай сарсонгарчиликка чек қўйилди.

– Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган абитуриентлар яна бошқа 5 та таълим йўналишини танлаши мумкинлиги тўғрисида айтдингиз. Бу жараён қандай амалга оширилади?

– Бу имкониятдан фойдаланиш учун олий ҳарбий таълим муассасаларининг дастлабки танловларидан ўтган ва тест синовларини топширишга рухсат берилган абитуриентлар abitur.dtm.uz сайти орқали рўйхатдан ўтиши зарур. Рўйхатдан ўтишда тест синовни топшириладиган фанлар мажмуасига мос 5 та бакалаврият таълим йўналиши, мавжуд имтиёзлар ва бошқа шахсий маълумотлар киритилади.

Бир вақтнинг ўзида барча ҳужжатлар ОХТМларда йиғилиб, сайтга белгиланган маълумотларини киритган абитуриентлар рўйхати тузилади ва Давлат тест марказига тақдим этилади. ОХТМ учун тест топширган номзодлар ўзи танлаган 5 та йўналиш бўйича ҳам тест синовиди қатнашган ҳисобланади.



– Ушбу соддалаштирилган тартибнинг афзалликлари нима-ларда кўзга ташланмоқда?

– Қабул жараёни соддалаштирилгани сабабли тест имтиҳонларига рухсат берилган номзодлар сони 2019 йилга нисбатан анча ортди. Мисол учун, 2019 йили давлат тест синовларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясига бир ўринга ўрта ҳисобда 8,2 номзод тўғри келган бўлса, шу кунларда ушбу билим юртига бир ўринга 8,9 номзод тўғри келяпти. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида 2019 йили бир ўринга 8,1 номзод тўғри келган бўлса, жорий йилда ушбу рақобат 23 тага юқорилади. Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртида бу кўрсаткич 17,8 тани ташкил этапти (2019 йили 8,1 та эди). Рақобатнинг ўсиши ОХТМларга ҳар йилгидан-да билимли ёшларни қабул қилиш имкониятини беради.

Тиббий кўриклар сони қисқартирилгани ва ҳарбий-касбий танлов тадбирлари бекор қилинган сабабли республикамизда коронавирус инфекцияси янада кенг тарқалиши эҳтимолининг олди олинди. Коронавирус пандемияси туфайли жорий қилинган олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралашнинг янги соддалаштирилган тартиби ҳозирги кунда ҳам амалда апробациядан ўтказилмоқда. Кейинги йилларда ҳам ушбу тизимни жорий қилиш ва янада такомиллаштиришни режалаштиряпмиз. Мазкур қабул тизими олий ҳарбий таълим муассасаларига юқори билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, дунёқараши ва ижодий фикрлаш доираси кенг бўлган ёшларни танлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**«Vatanparvar» мухбири
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ
ёзиб олди.**

ТОҒ ТАЙЁРГАРЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ

Эрта тонгдан Тошкент вилояти сари йўл олдик. Борадиган манзилимиз баланд тоғлар бағрида. Ҳайбати билан юртимизга кўрк берган бу тоғларни мажозий маънода Ватан қўрғонлари, десак адашмаймиз. Ана шундай тоғ олди масканларининг бирида Мудофаа вазирлиги Тоғ тайёргарлик ўқув-машқлар марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

ҚОЯЛАР БАҒРИДАГИ МАРКАЗ

Чўққилар янада осон забт этилади



Мудофаа вазири генерал-майор Баходир Курбанов ушбу муассасанинг барпо этилиши Қуролли Кучлар тизимида ўзига хос янгилик экани, ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлигини янада оширишга улкан ҳисса қўшишини таъкидлади.

Тантанали маросимда иштирок этган Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими, Қуролли Кучлар фахрийлари ҳамда ёшлар марказдаги ҳарбий хизматчилар учун яратилган қулай инфратузилма, аъло даражада янгиланган ўқув-моддий база ва барча ижтимоий-маиший шароитлар билан танишдилар. Таъкидлаш керакки, ушбу марказ кам харажатлар асосида, маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланган ҳолда барпо этилди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчиларнинг реал вазиятга яқинлаштирилган кўргазмали ўқув машқлари ва тоғда ҳаракатланишда зарур бўладиган техникалар намоиши ўтказилди. Шу орқали ҳарбий хизматчиларнинг амалий машғулотлар давомида ортирган билим ва кўникмалари синондан ўтказилди.



Тоғ шароитидаги жанговар ҳаракатларга тайёрланиш ҳарбий хизматчидан дала шароитидаги ўқув машғулотларидан кўра, юқори билим ва пухта кўникма талаб қилади. Айниқса, тоғ шароити мерганлар (снайперлар) учун қулайдир.

Қоябозлик (чўққини забт этиш) тоғ тайёргарлигининг ажралмас қисми саналади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қоябозлик мураккаб тайёргарликлар турига кириди. Бунинг учун ҳарбий хизматчи нафақат мукамал жисмоний тайёргарлик, балки топографик чизмалар билан ишлаш кўникмаларига ҳам эга бўлишни талаб этади. Машғулотлар давомида



ҳарбий хизматчилар бу борада қанчалик маҳоратга эга эканликларини намойиш этишди.

Галдаги машғулоти бўлинма таркибида юриш бўлди. Тоғда бўлинмаларнинг мустақил юриши учун йўналишни тўғри танлаш катта аҳамият касб этади. Юриш давомида бўлинмалар қатор меъёрларга амал қилиши керак бўлади. Яъни баландликларга чиқиш мобайнида қўшимча хавфсизлик анжомларидан фойдаланилади. Мутахассислар бундай ҳолларда арқонларни юқоридан пастга қараб созлашади.

Тоғда жон сақлаш, яшовчанлик ҳарбий хизматчи учун катта аҳамият касб этишига машғулоти давомида иқдор бўлди. Малакали ҳарбий хизматчиларнинг таъкидлашича, тоғ шароитидаги яшовчанлик одатий шароитлардан кескин фарқланади. Бу инсондан юксак ирода, ўзига ишонч билан бирга катта жисмоний кўникмани ҳам талаб қилади. Чунки тоғ шароитида тош ва қумли йўللardan юриш, қоятошлар оралаб ҳаракатланиш осон эмас. Сал қалтис ҳаракат қилсангиз, ҳаётингиз хавф остида қолиши мумкин. Шунга қарамай тоғда яшовчанлик-

нинг ўзига яраша афзалликлари ҳам мавжуд. Бу ерда сув топишнинг осонлиги, соя-салқин жойларнинг кўплиги ва бошпана қуриш учун шох-шаббаларнинг сероблиги жонингизга оро қиради. Тоғли ҳудудда ҳатто олов ёқиш ҳам осон. Қандай қилиб, дейсизми? Бунинг учун сизга чақмоқ тошлар қўл келади...

Улкан тошлар, катта қоялар бағрида ўтказилган кўргазмали машғулоти давомида



ҳарбий жанговар бўлинмаларни алоқа билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Тўғри, тоғ рельефининг ўзгариши, ўтиш қийин бўлган тўсиқларнинг мавжудлиги, йўللари сони чегараланганлиги алоқани ташкиллаштиришда биров қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари, радиотўлиқлар тоғ шароитида ишлаши жуда оғир. Шунинг учун радиостанцияларни ёйиш жойини тўғри танлаш ҳарбий алоқачилардан катта билим ва кўникмани талаб этади. Қувонарлиси, машғулоти иштирокчилари бу мураккаб вазифаларни аъло даражада уддалашди!

Кўргазмали машғулоти яқунлар экан, таклиф этилган меҳмонлар фойдаланишга топширилган марказда ҳарбийларга яратилган шарт-шароитлардан мамнун эканликларини баён этишди. Ҳарбий хизматчиларнинг машғулоти давомидаги эпчиллиги, билим ва маҳоратига таҳсин айтишди.

Шу куни вақт қандай ўтгани сезилмади. Атрофга қоронғилик чўкканда оптимизмга қайтдик.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ,
«Vatanparvar»



КУЧ, БИЛИМ ВА МАҲОРАТ МУЖАССАМ

МАЖМУАВИЙ МАШҒУЛОТЛАР

5 босқични ўз ичига олади

“Мудофаа вазирлиги қўшинларида бўлинмаларнинг жанговар салоҳиятини ошириш машғулотлари юрт посбонларининг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракатланишини таъминлайди. Марказий ҳарбий округда ўтказилган мажмуавий ўқув-амалий машғулотлар комплекс тарзда узоқ муддат амалга оширилиши билан аҳамиятлидир.

Марказий ҳарбий округ ҳарбий хизматчиларининг комплекс машғулотларида жанговар тайёргарликнинг барча талаблари бир мақсадга йўналтирилган. Яъни қўшинларда бўлинмалар жанговар салоҳиятини оширилишини таъминлашдан иборат.

Ушбу жанговар тайёргарлик машғулотлари беш босқичдан иборат бўлиб, дастлабки босқичда мутахассислар жисмоний тайёргарлик тадбирлари ва дастурларида белгиланган юклама ҳамда машқларни бажаради. Хусусан, алоқа, тиббий, муҳандислик, отиш, разведка ва бошқа мутахассисликлардан тегиш-

– Тактик машғулотларда ҳарбий хизматчиларнинг ўзига ва сафдошларига нисбатан ишонч ҳисси ортади, – дейди лейтенант Козимжон Исмоилов. – Шартли жанг майдонидан ярадорни эвакуация қилиб, унга тез тиббий ёрдам кўрсатилгунига қадар чор афрофда хавфсизлик назоратга олинади. Руҳий барқарорлаштирувчи тўсиқларни енгиб ўтиш ҳам юрт посбонларидан ўз маҳоратини намоиш этишни тақозо этади. Айни пайтда мутахассислар тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиб, узвий машғулотлар олиб борапмиз. Бу ҳарбий хизматчиларнинг куч-қудратини, билим ва салоҳиятини янада



ли меъёрлар амалга оширилади. Иккинчи босқич гуруҳнинг жанговар салоҳиятини оширувчи чидамлик машқларини ўз ичига олади. Бунда марш югуриш, тўсиқлардан ўтиш, ёғоч кўтариб югуриш, ярадорни жанг майдонидан эвакуация қилиш, экстремал шароитларда яшовчанлик кўникмалари ривожлантирилади. Энг каттаси – учинчи босқич. У жанговар взвод миқёсида жасурлик, топқирлик, тактик, техник, муҳандислик тайёргарлиги, азимут бўйича ҳаракатланиш машқлари билан ажралиб туради.

Батальон тактик саф машғулотларини қамраган тўртинчи босқичда кундузги ва тунги вақтда тактик саф машғулотли ўқувлари ўтказилади. Охириги босқичда эса ҳарбий округда яқиний назорат ва инспекторлик текшируви натижалари умумлаштирилади. Шу тариқа энг илғор взвод аниқланади.



кучайтиришга қаратилган.

Мутахассислар тайёргарлиги машғулотлари давомида ҳарбий хизматчилар дастлаб марш юрган ҳолда жараёнга киришди. Мерганлар жамоасига машғулот майдонини муҳофаза қилиш вазифаси юклатилди. Улар юқори нуқталардан шартли душманни кузатиб, нишонга олди. Ҳарбий хизматчилар отиш позициясини эгаллаб, жамоавий ҳара-



катланишда бир-бирларини ҳимояга олди. Сўнг сунъий тоғ тўсиқлари йўлагидаги меъёрлар бажарилди.

Мамлакатимиз ҳудудининг 30 фоизини тоғлар ва тоғ олди кенгликлари ташкил этади. Ватан ҳимоячиларининг тоғли шароитларда олиб бориладиган ҳар қандай реал жанговар ҳаракатларнинг муваффақияти эса кўпроқ шахсий таркибнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига, қолаверса, уларда табиий қийинчиликларни енгиб ўтиш, юксак касбий тайёргарлик ҳамда экстремал шароитларни тўғри баҳолай олиш қобилиятига боғлиқ.

Бу борада Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги ҳарбий хизматчиларининг соҳага оид билим ва кўникмаларини ошириб бориш, маҳорат ва тажрибаларини мус-



тибда ҳар бир тўсиқдан аниқ ва тез ҳаракатланиб, тор кўприклардан ўтиш, қоядан-қояга арқонлар ёрдамида кўчиш ҳамда тушиш каби белгиланган мураккаб вазифалар бажарилди. Мазкур сунъий тоғ тўсиқлари йўлаги ҳарбий хизматчиларнинг тоғ тайёргарлиги бўйича амалий кўникмаларини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Мухтасар айтганда, ушбу машғулотлар бўлинмаларнинг жипслигини, дала-ўқув кўникмаларини ошириш, ўқувларни реал жанговар вазиятларга яқинлаштирилган ҳолда ташкил этиб, ностандарт қарор қабул қилиш, жисмоний чиниқшни таъминловчи самарали усулдор. Бу орқали командирларда бошқа-



таҳкамлашлари учун сунъий тоғ тўсиқлари йўлаги барпо этилган.

Ушбу реал шароитга мослаштирилган йўлакда юрт ўғлонлари тоғ анжомлари ёрдамида қояга кўтарилиш ва тушиш, тоғли ҳудудда ҳаракатланиш, тоғ даралари, тўсиқлардан ошиб ўтиш каби усул ҳамда услубларни амалда бажармоқда.

Ўтказилган навбатдаги машғулотда ҳам, якка ва жамоавий тар-



рув малака ва кўникмалари ошиб, ҳарбий жамоанинг ахлоқий-руҳий сифатлари юксалиб боради.



Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

САМО ЛОЧИНЛАРИ

“ Сўнги йилларда армия ва халқ бирдамлиги кўзга яққол ташланмоқда. Қўшинларимиз нафақат жанговар тайёргарлик машғулоти, балки халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам зарур ҳолларда кўмакка тайёр. Хусусан, Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги вертолёт авиацияси ҳам халқимиз оғирини енгил қилиб келмоқда.

ҲАР ҚАЧОН ХИЗМАТГА ШАЙ



Биргина «Сардоба» сув омборида юз берган фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш ишларида Вертолёт авиацияси жудда катта ҳажмдаги ишларни бажарди. Ҳарбий учувчиларимиз эвакуация, аҳолига озиқ-овқат етказиб бериш, ҳаводан разведка ва мониторинг олиб бориш, иш ҳажмини аниқлаштириш ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг хизмат фаолиятини олиб боришлари учун 300 дан ортиқ парвозларни амалга оширди.

Навбатдаги амалиётлардан бири Чирчиқ аэродромида бўлиб ўтди. Ўқув шarti – фавқулодда юзага келган ёнғинни зудлик билан ўчириш.

Дастлаб шахсий таркибга юзага келган вазият, ҳаракатланиш тартиби етказилди, парвоздан олдинги кўрсатмалар берилди. Жуда қисқа

фурсат ичида ёнғин ўчоғи ўрганилиб, у ёйилиши мумкин бўлган ҳудуд йўналиши аниқлаштирилди. Машғулотнинг яна бир мураккабликларидан бири юкларни тезда етказиш ва яраланганларни эвакуация қилиш учун ноқулай об-ҳаво, ҳудуд рельефи каби барча жиҳатлар ўрганилиб, аниқ ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Ўқув режасига кўра, вертолёт экипажлари ҳаводан туриб 2,5 тоннагача сувни қабул қила оладиган махсус мешларни яқиндаги анҳордан тўлдирди ва зудлик билан шартли ёнғин ўчоғи томон учди. Машғулотларда ёш учувчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ҳам аҳамият берилди.

Вертолёт оғир юкни олиб учган пайтда экипажнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини аниқлик билан бажариши ҳар қачонгидан муҳим. Чунки кучли шамол кўшимча муаммолар туғдирмаслиги

учун тезкор ва аниқ қарорлар қабул қилиниши керак.

– Ўқувни Ми-8, Ми-171 ва Н-25 каби вертолётлар орқали ташкил этдик. Шундай ҳудудлар борки, у ерларга ёнғин ўчириш хизмати етиб боролмайди ёки улар учун ҳудуд жуда ноқулай бўлади, – дейди подполковник Назиржон Ражабов. – Ўтказилган ўқув шундай вазиятларда ҳаракатланиш бўйича тажрибамизни оширишга имкон бермоқда.

Ҳал қилувчи жараёнлардан бири – 100 метр баландликда, белгиланган нуқтада вертолётнинг махсус мосламаси орқали олиб келинган сувни ёнғин устига тўкишдир. Гарчи мамлакатимизда ёнғинларни ўчиришда вертолёт авиацияси ёрдамидан кўп фойдаланилмаса-да, ҳарбий учувчилар бу борада етарли тажрибага эгаллигини исботлашди. Жорий йилнинг

17 июнида Сурхондарё вилоятида бартараф этилган ёнғин фикримизни тасдиқлайди.

– Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг тоғлик ўрмон ҳудудларида содир бўлган ёнғин ўчоғини унинг катталиги, сув захирасининг узоқлигига қарамай учувчилар 8 соат ичида бартараф этишди, – дейди мудофаа вазирининг ўринбосари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони генерал-майор Ахмад Бурхонов. – Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг билдираётган юксак ишончини оқлашга ҳаракат қиляпмиз. Армия ва халқ – яқдил. Ҳарбий ҳаво кучларимиз мамлакатимиз аҳолисига ҳар қандай шароитда ёрдам беришга тайёр.

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи,
оддий аскар Бобур ЭСОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ВАТАН ДАРДИ БИЛАН ЁНГАН МИЛЛАТМИЗ

Милоддан аввалги 329–327 йилларда
Александр Македонский бошчилигидаги юнон-македон босқинчиларига қарши жиддий кураш.

СПИТАМЕН

Спитаменнинг онаси сўғд, отаси сак қабиласига мансуб аслзода бўлган. У ёшлигидан махсус тарбия остида абжир, удабурон, билимдон бўлиб улғайган. Отада чопиш, камон отиш ва қиличбозликда унга ҳеч ким тенглаша олмаган.

Жаҳон ҳарбий санъатида ном қозонган Александр Македонский Ўрта Осиё тупроғида Спитамен раҳбарлигидаги халқ озодлик ҳаракатининг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Бу ердаги аҳоли ўз

Бу жангда ҳам душман жуда катта йўқотишга учрайди. Шундан кейин озодлик ҳаракатига қарши Александр асосий кучларини ишга солади, Спитамен сафдошлари билан чўл ичкарасига чекинади. Босқинчилар уни таъқиб этмайди. Балки ёғий озодлик ҳаракати етакчисининг навбатдаги жанг тактикасига рўбарў келишдан чўчигандир.

Милоддан аввалги 328 йилнинг баҳорида қўзғолоннинг иккинчи босқичи бошланади. Қўллаб сўғдийлар турли қалъаларга тўпла-

сулоласига барҳам берган. У Хитой императорининг Ўрта Осиёни қўлга киритиш учун юборган катта қўшинини 751 йилда тор-мор қилиб, саркарда Гаю-Сяни асирга олган буюк лашкарбоши эди.

Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига оид манбаларда Абу Муслим шахсияти, унинг наслу насаби ҳақида турлича хабар мавжуд. Масалан, улардан бирида ёзилишича, Абу Муслимнинг насаби қадимги Эрон баҳодирларидан Гударзга нисбат берилади. Маълумки, Гударз Сиёвуш замонасида қора кийимда жанг қилган. Абу Муслимнинг исми Иброҳим, лақаби Абуисхон бўлиб, отасининг исми Муслим бўлган. Абу Муслим ҳам қора кийимда жанг қилган.

Хуросон амира Насри Сайёр ўз

Етарли куч тўплангач, 747 йилнинг саратонида Абу Муслим аҳолини уммавийларга қарши очик курашга даъват этади.

Бу даврда Хуросонда Насри ибн Сайёр ноиблик қиларди. У Абу Муслим лашкари билан тўқнашишга журъат қила олмайди. 748 йилнинг бошида Хуросон пойтахти Марв шаҳрини қўзғолончиларга жангсиз бўшатиб беради ва Нишопурга чекинади. Бироқ орқасидан таъқиб қилиб борган қўзғолончилардан қақшатқич зарбага учрайди. Бу уммавийлар ҳукмронлиги тақдирини узил-кесил ҳал қилади.

749 йилда Абу Муслим бошчилигидаги қўзғолончилар халифаликнинг марказий вилоятларига йўл олади. Қисқа муддат ичида Ироқ ва Жазоирда уммавийлар қўшинига бир неча бор қаттиқ зарба берилиб, улар тор-мор келтирилади. Сўнгра халифалик пойтахти Дамашқ шахрига юриш қилинади. Пойтахт қўлга киритилиб, халифа Марвон 2 тахтдан ағдарилади. Аббосийлар хонадонидан бўлган Абдулаббос Саффоҳ (749–754) халифалик тахтига кўтарилади.


Шундай қилиб, Араб халифалигида давлат аббосийлар қўлига ўтади. Бу янги сулоланинг ҳокимият тепасига чиқишида шубҳасиз, ўз даврининг йирик сиёсий арбоби ва саркардаси Абу Муслимнинг хизмати ниҳоятда буюк эди. У аббосийлар ҳукмронлиги учун ҳаракат қилиш баробарида Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўз маҳаллий ҳокимиятини, мустақил давлатини барпо этишга ҳам интилади. Бунинг учун аббосийлар ҳокимиятининг раҳбарлигига алавийлар (ҳазрати Али авлодлари) ни қўйишга интилади.

Абу Муслим ўз мақсадига эришиш ниятида Макка сафарига чиқади. У сафар орқали шу атрофлардаги араб аҳолисини ўз мақсадига эргаштириш ва халифат тахтига алавийлар авлодидан ҳукмрон қўйишни кўзлайди. Халифа Абу Муслимни эхтиром билан қўтиб олади. Аммо бу «эхтиром» ортида тубан мақсад яширин эди. Халифа ҳузурига кириверишда унинг қурол-яроғини дарвозабонлар олиб қолади. Сўнгра, халифанинг қуролли кишилари унга ташланадилар ва Абу Муслимнинг жасадини ўзи ўлдирилган гиламга ўраб, ўша хонанинг бир бурчагига қўмадилар.

Ташқарида эса Абу Муслимнинг мингта қуролланган йигити саркарданинг чиқишини қўтиб турарди. Халифанинг фармони билан мингта халтага мингтадан олтин солдириб тайёрлаб қўйилган эди. Абу Муслимнинг ҳаялал қолганидан шубҳаланган минг йигит халифа саройини ўраб олиб, унинг чиқишини талаб қилади. Шунда халифанинг одамлари Абу Муслимни халифалик хоҳишларига қарши ҳатти-ҳаракатлари учун ўз жазосини олганлиги ва унинг боши эвазига ҳар бир йигитга минг тилладан пўл берилишини эълон қилиб, халталарни бирма-бир йигитларга ташлайдилар. Аскарларнинг бир қисми минг тиллага сотилиб, ўз саркардасини унутади, қолганлари қасос олиш учун халифа саройига ҳужум қилади ва ҳалок бўлади. Бу машъум воқеа 755 йилда рўй беради.



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»



маҳаллий жойларини яхши билганликлари учун македон армиясини майда тўқнашувлар билан ҳолдан тойдиришга қарор қилади. Яъни фаланга услубига қарши партизан уруши тактикасини қўллади. Натижада Александр Ўрта Осиё ерининг ҳар бир бўлаги учун жанг қилишига тўғри келади, ҳар бир шаҳар ёки манзилгоҳ қалъага айланиб, душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатади.

Хусусан, милоддан аввалги 329 йилнинг кузида бошланган Спитамен бошчилигидаги қўзғолончилар Мароканд (Самарқанд) даги душман лашкарларини қириб ташлаб, шаҳарни озод қилади. Александр уларга қарши Фарнук етакчилигида уч минг пиеда ва 800 отлик қўшин жўнатади. Спитамен Политимет (Зарафшон)нинг қуйи оқимидаги ерларга чекинади. Бу ерда кўчманчиларнинг отлик қўшини билан бирлашиб, яна ҳужумга ўтади. Тўсатдан қилинган ҳужум натижасида юнон-македон қўшинларига катта талафот етказилади. Александр Спитаменга қарши Андромак, Менедем ва Каран бошчилигидаги отлик ва пиеда қўшин юборади. Спитамен бундан хабар топиб, ўрмон орасидан ўтадиган йўлга пистирма қўяди ва қўтилмаган ҳужум билан душмани саросимага солади.

У мазкур жангда ўзгача ҳарбий усул қўллади. Ҳар бир отга иккитадан жангчи миндирилиб, улар душманга икки томондан зарба беради. Бири найза, қилич ёки камон билан ҳамла қилса, иккинчиси тош билан уриб, ёвнинг бошини мажаклайди.

ниб, юнон-македон ҳокимларини тан олмайди. Сўғдиёна қўзғолон ўчоғига айланади. Спитамен Александрнинг йўқлигидан фойдаланиб, рақибнинг орқа томонидан айланиб ўтиб, 600 отлик билан Бактрияда юнонларга қақшатқич зарбалар бериб турган. Юнонлар лашкарбошиси Кен Спитаменга қарши чиқиб, уни даштга чекинишга мажбур қилади.

Милоддан аввалги 328 йилнинг кузида Спитамен Зарафшоннинг қуйи қисмидаги қалъалардан бирини эгаллаб, уч минг отлик билан Сўғдиёна пойтахти томон юради. Юнонлар бутун кучларини унга қарши ташлайди. Жангда қўзғолончилар мағлубиятга учрайди. Сўғдий ва бактриялик зодагонларнинг бир қисми Спитаменга хиёнат қилиб, истилочилар томонига ўтиб кетади. Уч йиллик курашдан кейин Спитамен хоинлик қурбони бўлади.

АБУ МУСЛИМ

Марказий Осиёда миллий озодлик учун олиб борилган курашлар тарихида Абу Муслим номи алоҳида тилга олинади. Ўрта аср лашкарбошилари сафида ниҳоятда улуғланган Абу Муслим ҳарбий салоҳияти билан замондошларини доғда қолдирган. У 18 ёшида араб босқинчиларига қарши кўтарилган қўзғолонга бош бўлиб, 40 мингдан зиёд қўшинга қўмондонлик қилган. Унинг ҳарбий тактикаси халқ оғзида афсона-ю ривоятларга айланган.

Абу Муслим араб халифаси ноибини мағлуб этиб, халифа пойтахтини эгаллаган ва уммавийлар

рақибни Кирмонийга қарши жангга чиққанда, Абу Муслим ҳам Кирмонийга қарши ҳужум қилади. Бу воқеа ҳақида Насри Сайёр Марвонга, яъни уммавийларнинг сўнги ҳукмдори Язид бинни Умарга «...бошқа бир киши пайдо бўлдики, у саррожлар ўғлидир, на асли бору, на дини. Хуросон фосиқлари унинг атрофига тўпланган», деб хабар юборади.

Абу Муслим уммавийларга қарши ташвиқотни Хуросон аҳолисининг юқори табақасига мурожаат қилишдан бошлайди. У Марв шаҳри яқинидаги Сафизанж қишлоғини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Дастлаб араб зодагонлари, сўнгра маҳаллий деҳқонлар Абу Муслимни қўллаб-қувватлайдилар. Уммавийларга қарши ташвиқотнинг садоси тез орада Хуросон, Мовароуннаҳр ва Тоҳаристон вилоятлари бўйлаб кенг тарқалади. Гўё мамлакат аҳолисининг катта-кичиги арабларга қарши қўзғалгандек бўлади. Аҳоли отда, эшакда ёки пиеда қуролли ва қуролсиз Абу Муслим қароргоҳи томон йўл олиб, унинг атрофига тўплана бошлайди. Сафизанж қишлоғи ҳар томонлама мустаҳкам бўлса ҳам, тўпланаётган кучлар учун торлик қилади. Шу боис Абу Муслим Мохувон қалъасига қўчиб ўтади.

Абу Муслим қароргоҳи атрофида Ҳирот, Бушанг, Марвируд, Таликон, Марв, Нио, Обивард, Тус, Нишопур, Серакс, Балх, Чағаниён, Тоҳаристон, Хутталон, Кеш ва Насаф вилоятларидан 100 минг нафар лашкар йиғилган эди. Уларнинг деярли ҳаммаси қора либосда эдилар.

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

«ЁМФИР»ДА УНИ ТАНИДИМ ВА СЕВДИМ

Жаҳон адабиёти – бекиёс хазина. Шундай адиблар борки, асарлари билан сизнинг дунёингизни забт этадилар. Уларни дунё ўқийди. Миллат, давлат, ирқ танламайди. Кўнгилларни забт этади, кўнгил мулкига айланади.

Анча йиллар муқаддам Сомерсет Моэм асарларига меҳрим тушиб қолди. Биринчи марта унинг «Ламбетлик Лиза» романини ўқидим. Бироз зерикарликдек туюлди. Зерикарликдек... аммо кўнгил ўзиб, бир четга ҳам суриб қўйгим келмасди. Қайта-қайта варақладим. Ва яхши асарни топиб ўқиганимдан севиндим. Бу инглиз адабиёти тарихидаги машҳур ёзувчи ва драматург Сомерсет Моэм ижоди билан илк танишувим эди.

Адиб узок умр кўрди (1874 – 1965). Асарларига қараб айтадиган бўлсак, у ҳамон яшамокда. Унинг асарлари адиб ҳаётлик пайтлариданоқ дунёнинг турли тилларига таржима қилинган. Бугун заҳматкаш таржимонларимиз сазй-ҳаракатлари туфайли ёзувчининг айрим асарларини ўзбек китобсеварлари ҳам она тилларида ўқиш имконига эга.

У шундай ёзган эди: «Ҳаёт у ҳақда ёзиш учун эмас, балки уни яшаб ўтиш учун берилганини мен ёддан чиқармасликка ҳаракат қилдим. Табиат менга нимани раво кўрган бўлса, барчасини синаб кўришга уриндим. Ижодага эса ўзимнинг бирдан-бир мақсадим деб эмас, инсониятга хос бошқа фаолият турлари билан уйғунликда олиб бориладиган бир соҳа сифатида қарадим».

Сомерсет Моэмнинг бўйи паст эди. Биринчи жаҳон уруши бошланганида шу туфайли аскарликка олинмади. Бу вақтга келиб, у Европада танилганди. Бир неча тилини мукамал билган адиб инглиз жосуслик хизматида ҳам фаолият юритади. Бу фаолиятга катта иштиёқ билан киришган бўлса ҳам кейинчалик «Эшенден ёки Британия агенти» китобиди бу ишни «чиркин ва зерикарли», дея таърифлайди.

Адибнинг «Ёмфир», «Кал мексикалик», «Малла» каби ҳикоялари бу жанрнинг нодир намуналари саналади.

Америка ёзувчиси Стивен Кинг асарлари ҳам дунё тилларига кўплаб таржима қилинган. Унинг китобларини ўқимаган инсонлар ҳам асарлари асосида ишланган фильмларни кўрганлиги шубҳасиз. Айниқса, «Яшил водий», «Шоушенкдан қочиш» фильмларини ўзбек томошабинлари ҳам севиб томоша қиладилар.

Нега америкалик фантаст адиб ҳақида тўхтаяман? Гап шундаки, унинг бир асарида инглиз ёзувчиси Сомерсет Моэмнинг «Ёмфир» ҳикоясидан қуйдагича эпиграф олинган: «Эҳ, эркаклар! Сенларнинг сассиқ тўнғиздан фарқинг йўқ! Ҳамманг бир гурсан. Тўнғизлар!»

Эпиграфдаги ана шу ўн бир сўз Стивен Кинг асарининг мазмун-моҳиятини очиб берган. Сўзнинг кучини, қудратини қаранг! Сўзлардан заргар каби фойдаланган уста адибларга ҳам қойил қоласиз. Уларни дунё



бежиз ўқимайди, ахир!

Айнан ана шу эпиграф туфайли «Ёмфир» ҳикоясини анча муддат қидирдим. Ва топдим. У том маънода ҳикоячилик жанрининг ноёб намунасидир!


«Ёмфир»ни ўқинг, дунё адабиёти хазинаси дурдонасидан баҳраманд бўлинг. Адибнинг бу ва яна бир қанча ҳикоялари таржимон Алишер Отабоев томонидан аслиятдан она тилимизга маҳорат билан чевирилган.

Мен муталаа лаззати, ҳузурига путур етказмаслик мақсадида ҳикоя мазмунини, қаҳрамонлари ҳақида сўз айтишдан тийилдим. Ҳатто жуда айтгим келса ҳам.

...Жуда гўзал, жўшқин бир муҳаббат бор эди. Йигитнинг оловранг сочлари туфайли... Унинг келбати юнон маъбудига ўхшарди, елкалари кенг, сонлари ориқ. Праксител ясаган Аполлонни эслатувчи қоматида аёлларга хос, кўнгилга ғулғула солувчи сезилар-сезилмас назокат бор эди... У бетакор эди. Ундан чиройли одам бўлмаган. У ёввойи ўтнинг муаттар гулига ўхшарди. Табиатнинг кутилмаган тухфаси эди. Ушанда у эндигина ўн тўққизга кирганди.

Қиз эса ўн олти ёшда. «Бу қизнинг нақадар соҳибжамол бўлганини сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Унинг жамолида тропик атиргулнинг барча ранглари жилваланади. Бўйи ўртачадан баландроқ, қадди-қомати келишган, элатига хос юз бичими фаришталарникидек сулув, шахло кўзлари пальмалар остидаги сокин оқаётган сув ҳалқасига ўхшарди. Қизнинг тим қора жингалак сочлари елкасига тушган, боши эса хушбўй гуллар билан безалганди... Ё Танграм, уни қандай таърифлай? У мисли йўқ соҳибжамол эди».

Бир кўришдаёқ бир-бирларини севиб қолишди. Гўзал севги ҳикояси, жуда гўзал... Аммо реаликдан қочиб бўлмайди, реалик эса «...доғ босган



қизил юздан мой томиб турар, лунжларини эса бинафшаранг томирлар тўрдек қоплаб олганди. Кўзлари қонга тўлган, бўйни қат-қат ёғ орасида зўрга кўринарди. Гарданидаги оқ оралаган бир тутам узун жингалак сочини айтмаса, тап-тақир кал эди».

Бу ҳикоя қандай якун тоганини билишни истасангиз, Сомерсет Моэмнинг «Малла» ҳикоясини ўқинг.

– Қиз ўлди, – пичирлади у.

Кўзголончи чўқиниб олди.

– Нима учун бундай қилдинг? – сўради генерал.

– Мен уни севадим.

Тўпланиб турган одамлар «ох» тортиб юборишди ва таажжуб билан қотилга қарашди. Генерал сукут сақлаб, унга бироз тикилиб қаради.

– Бу мардлик, – деди генерал, ниҳоят, – мен бу одамни қатл этолмайман... Машинамни олиб, уни чегарага элтиб қўйинглр. Мен сени ҳурмат қиламан, сенёр. Чунки бир жасур эркак бошқа жасур эркакни ҳурмат қилиши керак».

Соҳибжамолни ўлдиришнинг нимаси мардлик экан? Аёлни ўлдириш эркакка шараф келтирадими?

Бу саволларга жавоб топишни истасангиз адибнинг «Чандикли киши» ҳикоясини ўқинг.

«Луиза» ҳикояси ҳақида бир оз тўхталмоқчи эдим. Бироқ нима дейишга ҳайронман. Нимжон, юраги касал, ўлимини кутиб яшаётган, атрофида дўстлари парвона бир бечора аёлни уни болаликдан бери биладиган дўсти ёвуз аёл, дейди. Нега? Ҳикояни ўқисангиз, бу гапнинг қанчалик ҳақиқат ёки ёлгонлигини билиб оласиз.

«Яна бир кун келди, яна бир тонг, яна бир оқшом. Ўша кунни яқшанба эди. Майдон ҳар доимгидан ҳам гавжум. Кунгурали дарвоза тагидаги столлар ҳам тўлди. Одатдагидек, қизил сочли тиланчи ҳам ўзининг аянчли сукути, увода кийимлари-ю,

адоғи йўқ мусибати билан келди. Мен одамларни тиланчилардан кўриқлаб юрган полициячини кўрганимда, у икки стол нарида турганди. Полициячи унинг елкасига бир мушт туширди. Зарбадан тиланчи гандираклаб кетди. Ўрнидан тургач индамай аста-секин нари юрди».

Гоят қайғули манзара. Шундай эмасми? Ҳикояни ўқишда давом этасан, умид билан, мўъжиза юз бериб қолмасмикан? Йўқ. Мўъжиза юз бермади. Эҳтимол, ҳикоя охирида. Ҳаяжон билан ўқийман: тиланчи бир вақтлар... Йўқ, бу ҳақда яхшиши, ўзингиз ўқиб билганингиз маъбур.

Адиб бир-бирини такрорламайдиган ёрқин образларни яратган. У ҳаёти давомида дунёнинг турли мамлакатларига кўп сафар қилган. Бу, албатта, унинг ижодида ёрқин ва ранг-баранг образларда ўз аксини топди. Бу ҳақда Сомерсет Моэмнинг ўзи шундай деган эди: «Цивилизациялашган жамиятда шахснинг индивидуаллиги йўқолиб кетади, чунки одам ҳар қадамда ўнлаб тартиб-қоидаларга бўйсунушга мажбур. Маданият юзимизни беркитадиган ниқобга айланади. Бу ердагилар (Бирма, Таити, Самоа, Индонезия назарда тутилган) эса жамиятга мослашиш учун юзига ниқоб тақмасди. Улардаги индивидуаллик аниқ кўринарди».

Сомерсет Моэм машҳур «Ой ва чақа» романи учун материаллари Шарқий Осиёнинг энг гўзал ўлкаларидан бири Таитида йиққан. Бу асар улуғ рассом Гогеннинг фожиали ҳаёти тўғрисида. Адибнинг қаҳрамони Чарльз Стрикленд киборлар жамиятидан юз ўгириб, ўзи излаган, истаган оламини Таитида топди ва шу ерда ҳаёти ҳам фожиали...

Адибнинг ижоди кенг қамровлидир. Кексаликда ҳам иқдордан толмаган адибни Тед Морган «ҳақиқий тарихий экспонат», дея таърифлаганди. Унинг ижодида ўз ўқувчилари аллақачон ҳаққоний ва керакли баҳони бериб бўлган. Сомерсет Моэм Англияда Чарльз Диккенсдан кейин асарлари энг кўп ўқиладиган адиб. Унинг ижоди ҳақида сўз айтишни адабиётшуносларга қолдирамиз. Бунга менинг ҳаддим сизмайди. Биз, тўғрироғи мен, унинг асарлари асириман. Қайта-қайта ўқигим келади. Севиб ўқиган асарларимни бошқаларга ҳам тавсия қилишни ёқираман.

Моэмга улуғлардан бири рассом дея таъриф берган эди. Ёзувчи учун бу юксак эътироф. Унинг «Ой ва чақа» романи жаҳондаги энг яхши юзта китобдан бири сифатида тан олинган.

Энг яхши юзта китобдан бири билан танишишни, ўқишни ҳамма ҳам истайди, деб ўйлайман, умид қиламан. Жавонингиздаги жавахирлар сонини оширишни, маънавият хазинангизни янада бойитишни истасангиз, Сомерсет Моэм асарларини танланг ва ўқинг. Ҳатто уни болаликдан билган фарзандларингиз учун келажакда асл асарларни таниб олиш қийин бўлмайди.

Завқли ва ҳузурли муталаа, азиз ўқувчи!



Инобат ИБРОХИМОВА,
«Vatanparvar»

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

“ Хозирги Зомин тумани Небўса қишлоғидан урушга кетиб, Берлингача бўлган йўлни босиб ўтган Қодирқул Усмонқулов тинчлик учун жон фидо қилган мард ва жасур юртдошларимиздан бири. Иккинчи жаҳон урушидаги оғир синовлар, қонли тўқнашувларга қарамай, ўз вазифасини сидқидилдан адо этган ўзбек ўғлонининг урушдан кейинги ҳаёти ҳам тинимсиз меҳнат, юрт равнақига хизмат қилиш билан ўтди.

Иккинчи жаҳон урушида Жиззах вилоятидан ҳам минглаб ўғлонлар тинчлик учун жанг қилди. Хусусан, 20 ёшида армияга қақирилган сержант Қодирқул Усмонқулов 1942 йил июнь ойидан уруш якунига қадар Берлингача бўлган жангларда алоқачи сифатида иштирок этиб, 2 марта «Жасорат учун» медали, III даражали «Шуҳрат» ордени сингари қатор жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган.

Қодирқул отанинг кўрсатган жасорати, инсоний фазилатлари ҳозир ҳам неваралари, эваралари ва Небўса қишлоғининг барча вақиларига ғурур-ифтихор бағишлайди.

– Отам батальон ва рота командирлари ўртасидаги алоқани таъминлаб турган, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қодирқул Усмонқуловнинг ўғли Аҳмадқул

НЕБЎСАЛИК ҚАҲРАМОН ЁДИ



Қодирқул Усмонқуловнинг урушда босиб ўтган йўли

Усмонқулов. – Бир жангда 7 та жойидан узилган алоқа кабелни эмаклаб борган ҳолда улаган ва алоқани тиклаган. Ана шу қилган хизмати учун иккинчи марта «Жасорат учун» медали билан мукофотланган. Отамиз ҳаётини гаровга қўйиб, ортимда Ватаним, оилам турибди, деб жангга кирган. Олти ойлаб оёғидаги этикни ечмагани, бир неча бор жароҳатлангани, оловли жанггоҳлар изтиробини айтиб берган. Унинг ёрқин хотираси, уруш ҳақидаги ҳикоялари доим ёдимизда. Туманимизда Хотира майдони барпо этилди. Албатта, бу ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Улар Ватан учун жон фидо қилганларнинг жасорати, қаҳрамонлигини кўриб, тинчликнинг қадрига етади.

Қодирқул Усмонқулов 1945 йили

уруш тугагандан сўнг ҳам комендантлик назоратида хизматини давом эттиради ва 1947 йили она юртига қайтиб келган. Шундан сўнг жамоа хўжалигида турли вазифаларда меҳнат қилди, Мирзачўлни ўзлаштириш ишларида 10 йилга яқин фаолият кўрсатди. Шунингдек, кўп йиллар мобайнида ўзи яшаган Небўса қишлоғида фуқаролар йиғини раиси вазифасини бажарди. Қодирқул отани зоминликлар яхши хотиралар билан ёдга олади.

– Уруш ўчоғида содир бўлаётган ҳодисалар дараги қулоққа чалинганда, болаларча шууримиз англайвермас, англаганда даҳшатга тушар эдик, – дейди меҳнат фахрийси Болбек Дўмонов. – Болалигимизга бориб, «Осмондаги самолёт Қодирқул акаимизни ташлаб кет», деб



қўшиқ айтганимиз ҳамон ёдимда. Бахтимизга у урушдан қайтиб келди. Яхши одам эди. Эл учун жонкуяр, одамларга меҳрибон эди. Хайрли ишларга бош бўларди. Қодирқул ака қилган яхшиликлар кўплаб қишлоқдошлар ҳаётида ижобий из қолдирган.

Қодирқул Усмонқулов умр йўлдоши Улманой ая билан 10 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Олти ўғилнинг барчасини ўқитиб, олий маълумотли қилди. Улардан бири фан доктори, профессор, яна бири фан номзодидир. Қолганлари эса халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда. Бугунги кунлар келишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Қодирқул ота сингари юртдошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, ёш авлодга етказиш борасидаги ишлар тарихни чуқурроқ англаш, тинчлик, хотиржамлик каби неъматларнинг қадрига етишда муҳим ўрин тутди.

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

УЙИГА ҚАЙТМАГАН БЎЗ ЙИГИТ

“ Иккинчи жаҳон урушида оловли жанггоҳларда қанча бўз йигитларимиз ҳалок бўлди. Улардан бири қорақалпоғистонлик Уразбай Жуманиязов эди...

1923 йил қиш фасли. Қиш ўзининг «қилиғи»ни кўрсатаётган пайт Жуманиязовлар оиласида ўғил фарзанд дунёга келди. Чақалоққа Уразбай деб исм қўйишди. У болалигиданоқ илм олишга қизиқди. Аммо олий маълумот олишга оиланинг моддий аҳволи тўғри келмасди. Шунинг учун ўрта мактабни тугатиб, ота касби деҳқончиликни давом эттиради. Билим олишга бўлган кучли қизиқиши сабаб, тоғасидан эски араб тилини ўрганиб, ҳам дунёвий, ҳам диний сабоқ олади.

1942 йил сентябрда Уразбай фронтга юборилди. У 226-пиёда дивизиясининг, 24-пиёда корпусида Марказий фронтнинг пиёдаларга қарши таркибда пулемётчи бўлиб хизмат қилади. Днепр дарёси бўйидаги жангларда моҳир мерган сифатида ғалабага ўз ҳиссасини қўшади.

1943 йилнинг 25 дан 26 сентябрга ўтар кечаси Уразбай бир гуруҳ сапёрлар сафида Украина ССР, Киев вилояти, Вишгородск тумани, Толокунск Рудня қишлоғи яқинида жангга кириди. У биринчи бўлиб хандаққа отилди ва душман аскарларини чалғитди. Шу орқали пистирмадан ҳужум қилган фашист аскарларининг ҳужумини қайтарди. Ёш, эпчил жангчи Уразбай доимий равишда позицияларни ўзгартирганлиги сабабли, фашистлар уни



катта дарёни кесиб ўтди, деб ўйлайди. Лекин бу ҳарбий ҳийла эди. У душман взводи ёнида автомат билан ўқ узиб, орқага чекинаётган қарши томонни таъқиб қила бошлади.

21 октябрь кuni навбатдаги жангга тайёргарлик бошланди. Қаҳрамонимиз пулемётни ишонч билан чангаллади. Вазифа ўта оғир. Энг



тажрибали командирлар бу операцияга жалб қилинган. Гуруҳ аъзоларининг барчаси бу оддий топшириқ эмаслигини яхши билишарди. Улар белгиланган ҳудудга йўл олишди. Вазифа муваффақиятли адо этилди. Алоқа воситасидан унинг сўнгги бор «Задание выполнено, иду домой», деган билдиргиси эшитилди. Ҳа, Жуманиязов вазифани аъло даражада бажарди, аммо уйга қайтмади. Унинг кўрсатган жасорати ғалабани таъминлади!

Собиқ СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1943 йил 17 октябрдаги қарори билан кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун Уразбай Жуманиязов «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

Қаҳрамонимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Беруний туманидаги кўча ва мактабга унинг номи берилди. Вишгородск шаҳридаги марказий майдонга мемориал лавҳа қўйилди.

Уразбай Жуманиязов 20 ёшида бўз йигит бўлиб, қаҳрамонларча жон берди. Унинг мардонавор ҳаёти ибрат бўлиб қалбларимизда бардавом яшайди!

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»

ХОТИРА – МУҚАДДАС

ДЎСТИ ИСМИДАГИ ЖАНГЧИ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига мислсиз офатлар ёғдирган тўфон эди. Урушда ғолиб подшоҳ, ғолиб саркарда, ғолиб армия бўлиши мумкин, аммо ҳеч қачон ғолиб инсон бўлмайди.

Асли исми Мамашариф бўлган Михаил Фаёзов 1942 йили Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртига ўқишга киради. Аммо ўқишни тамомламасдан фронтга жўнатилади. У взвод командири сифатида жангга киради. Взводни бошқариш ва урушда чапдастлик билан ҳаракат қилишда ҳарбий билим юртида олган сабоқлари унга ёрдам берди. Қисқа вақт ичида жанговар ҳаракати, моҳир йўлбошчилиги билан дивизия командирларининг эътиборига тушди. Аммо жангда ҳар



қадамда ўлим таъқиб қиларди. 1943 йилдаги жанглارнинг бирида Мамашариф оғир яраланади. Даволаниб чиққач, 2-Украина фронтининг 78-ўқчи дивизиясида рота командири сифатида урушни давом эттирди. Мазкур фронтда кўрсатган жасорати учун «Қизил байроқ» ордени билан тақдирланди.

1944 йил октябрь ойида Мамашарифнинг ҳаётида унутилмас воқеа юз беради. Днепр дарёси ёқасидаги жангда у украиналик қуролдоши Михаил Олейник билан ўқ ва снарядлар «ёғири» остида қолиб кетади. Шунда сафдоши Михаил шундай таклифни ўртага ташлайди: «Агар жангда қай биримиз олдин ҳалок бўлсак, тирик қолганимиз ўлганнинг исмини оламиз. Яъни сен ўлсанг исминини сеникига, мен ўлсам сенинг исминини меникига ўзгартирасан. Токи бу ҳаётдан ном-нишонсиз кетмайлик». Қаҳрамонимиз бу таклифга рози бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай, Михаил Ясса атрофидаги жанглarda оғир яраланиб, туғишгандек бўлиб қолган ўзбек кадрдони қўлида жон беради. Йигит ваъдасига вафо қилиб исмини Михаил деб ўзгартаришни сўраб, кўмондонликка мурожаат этади. Икки йигитнинг кадрдонлиги кўмондонликка ҳам яхши маълум эди. Шу тариқа Мамашарифга Михаил Ғиясович Фаязов деган ҳарбий билет ва партия гувоҳномаси берилади (урушдан кейин фуқаролик паспортини ҳам шу тарзда ўзгартиради).

1945 йил 22 январда у сафдошлари билан Одер дарёсини кечиб ўтиб, фашистларни ўққа тутлади. У икки нафар фашист полковникини, бир нечта офицер ва аскарларини асирга олади. Асирга тушган полковникнинг қўлида галдаги ҳужум режалари ва бошқа махфий ҳарбий маълумотлар бор эди. Бу иш мукофотга арзигулик эди. Натижада Мамашариф «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медалига сазовор бўлади.

Михаил Фаёзов фашизм устидан эришилган ғалабадан кейин Чустга қайтиб келгач, туман мудофаа ишлари бўлимида хизмат фаолиятини давом эттиради. Гова қишлоғидаги болалар уйига раҳбарлик қилиб, уруш даврида етим қолган болаларнинг бошини силайди. Нафақага чиққунга қадар Чустдаги мактаб-интернат директори, шаҳар ижрокўмитаси раиси каби лавозимларда меҳнат қилди. Хизматлари муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди.

Ҳа, Михаил Фаёзов нафақат жангчи, балки чин биродарлик, инсонийлик тимсолидир.

Саида ҲАЛИМОВА,
Наманган вилояти Чуст туманидаги
21-умумтаълим мактабининг амалиётчи психологи

Нукус шаҳрида юртимиздаги йирик музейлардан бири, «Саҳродаги лувр» номи билан машҳур бўлган И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи фаолият юритади. 85 мингдан ортиқ экспонатга эга бўлган музей фондидан XX асрнинг энг ноёб дурдоналари ҳисобланган тасвирий санъат асарлари ҳам ўрин олган.

САВИЦКИЙДАГИ «АСКАР МАКТУБЛАРИ»

Музейдаги рангтасвир ва графика асарлари мавзуси кенг қамровли. Айниқса, ўша даврнинг машҳур рассомларининг Шарқ ҳаётига, яшаш турмуш тарзига бўлган қизиқишини тасвирий санъатда ифода этиши рассомчилик санъатида ранг-баранг асарларнинг яратилишига замин яратди. Бу ижобий натижага нафақат кекса авлод вакиллари, балки замондош рассомлар ҳам эришди ва улар миллий санъатимизнинг юксалишига муносиб ҳисса қўша олдilar. Жумладан, Ўзбекистон Халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академияси ака-

бошлаб, қўлини иягига тираб олган ҳолда хат ўқияпти. Учинчи аскар эса икки қўлини бошига қўйиб, осмонга тикилиб ётибди. Аскар гўё севган қизининг ширин хаёлига чўмган бир кўринишда. Иккинчи фонда бир гуруҳ аскарлар тўпланиб, ниманидир муҳокама қилмоқда. Рассом шу орқали колоритни чуқур ҳис этиб, ранглар баёнида лавҳани жонлантиришга эришган.

«Аскар мактублари» аскарнинг бир кунлик ҳаётидан олинган парча. Рассом бу асарини яратганида шунчаки хат ўқиётган аскарни тасвирламага-



демиги Жоллибай Изентаев (1943–2009) асарлари бугун музейнинг нодир экспонатлари сирасидан ўрин олган. Рассом ижоди билан яқиндан танишар экансиз, бу асарлардаги ўзига хос услуб, тўйинган колорит ва моҳирона ёритилган композицион ечимни ҳис этасиз. Ижодкорнинг ватанпарварлик ғояларига йўғрилган асарларида қорақалпоқ халқининг тарихи, урф-одатлари, миллий маданияти турфа ранглarda қаршингизда жилоланади.

Жоллибай Изентаев ижодида ҳарбийлар ҳаётига бағишланган асарлари ҳам учратасиз. Музей экспозициясидан ўрин олган «Аскар мактублари» номи рангтасвир асари Иккинчи жаҳон уруши йиллари манзараларидан бирини акс эттиради. Яъни лавҳада аскарларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшувчи, соғинч тафтини босувчи «хат» мавзуси қаламга олинади. Картинага эътибор берамиз: яшилликка бурканган фонда дарахт соясида дам олиб ўтирган уч нафар аскар тасвирланади. Аскарлардан бири соғинч ва ҳаяжон билан хат ёзмоқда, иккинчи аскар эса ён-

нини айтдик. Энг муҳими, ижодкор шу асари орқали инсоний ҳис-туйғуларни тараннум этади, шу билан бирга, уруш моҳиятини очишга ҳам уринади.

Уруш – дунёнинг тинчлигига раҳна солувчи, инсонларни ўз домига тортувчи ёвузлик. «Аскар мактублари»даги қаҳрамонлар мана шу ёвузликка қарши курашга чиққанлар. Яқинларига мактуб битаётган аскар шу дамда балки сўнгги маротаба хат ёзаётгандир. Уруш инсоннинг қисматини шафқатсизлик ила белгилайдики, уни фақат мардлик, жасорат ва матонат билан енмоқ мумкин. Рассом ушбу картинада дарахт, яшил фон, нур ва соя образларидан рамзий тимсоллар сифатида фойдаланган. Аслида асардаги дарахтлар ҳаёт, яшиллик тинчлик ва тотувликни англатса, нур ва соялар ҳаётнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи эканлигига ишорадир.

Жоллибай Изентаев фалсафий фикрларга чорловчи, ҳаётнинг моҳиятини ёритишга ундовчи асарлар яратган ажойиб рассом.

Шоҳиста АБДУРАҲМАНОВА,
Қуролли Кучлар хизматчиси

ТАҲЛИЛ

Глобллашув шароитида ахборот инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Диний экстремистик ташкилотлар томонидан интернет тармоғидаги турли сайтлар, мессенжерлар ва ижтимоий тармоқлар орқали бузғунчи ғояларни тарқатиш, кишиларни ўз доирасига жалб қилишга қарши курашишда Ироқ Мудофаа вазирлигининг тажрибаси амалда ўз ижобий самарасини берган. Қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Ироқ Мудофаа вазирлиги Оммавий ахборот воситалари ва ахлоқий меъёрларни бошқариш бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант И. Тахсин «Umrath» мухбирига берган баёнотида Мосул ва Ироқнинг бир нечта шаҳар ҳамда қишлоқлари жангарилар қўлига ўтганидан сўнг тезкор чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанини айтиб ўтди.

ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛ

Ироқ ҳукумати АҚШ медиа гуруҳлари билан ҳамкорликда стратегия ишлаб чиқиш ва асосан қуйидагиларга қўпроқ эътибор берди:

Биринчидан, ушбу тарғибот-ташвиқот гуруҳининг кенг оммага таъсир ўтказиш механизми, ўз томонига оғдириш усуллари, фуқароларни жалб қилиш тактикасини тизимли равишда ўрганиш, таҳлил этиб бориш билан бирга уларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, ижтимоий тармоқларда ОАВ ва диний экстремистик ташкилотлар саҳифаларини кузатиб бориш, ижтимоий тармоқ каналларини аниқлаш, уларнинг тарқалишини чеклаш;

Учинчидан, жангари гуруҳлар томонидан тарқатилган ёлгон маълумотларни ошкор қилишдан иборат бўлди.

Ушбу олинган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тизимли равишда таҳлил қилиш мақсадида махсус марказ ташкил этилди.

Биринчи навбатда қилинган ишлардан бири аҳолининг ишончига кириш ва уларни Ироқ ҳукумати томонидан ёддан чиқарилмаганига ишонтириш ҳамда диний экстремистик ташкилотларнинг «Facebook» ижтимоий тармоғини кузатиш, улар тарқатган ёлгон ахборотларни инкор этишдан иборат бўлди. Чунки жангари гуруҳлар аҳолини ўз томонига оғдириб олишда асосан мана шу ижтимоий тармоқдан фаол фойдаланган.

Ҳукумат томонидан қўлланилган оддий усул қисқа вақт ичида ўз самарасини берди. Хусусан, махсус марказнинг «Facebook» ижтимоий тармоғидаги профил обуначилар сони 100 минг нафарга етди ва бу кўрсаткич кун сайин ортиб бориш тенденциясига эга бўлди ҳамда салбий ахборотларга қарши курашишда юқорида қўлланилган услуб асосий бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилди.

МАФКУРАВИЙ ТАШВИҚОТГА ҚАРШИ КУРАШ (ИРОҚ ТАЖРИБАСИ)



САМОДАН ЁГДИРИЛГАН БАРАКАЛАР

Ироқ ҳарбийлари авиация ёрдамида АҚШ медиа гуруҳлари билан ҳамкорликда ватанпарварлик руҳидаги 40 млн нусхадаги баракаларни Ниневах, Жанубий Анбар провинцияларига ташлайди. Уларда Ироқ Қуролли Кучлари томонидан эфирга узатилаётган радиотўлқинларнинг каналлари, расмий ҳукумат кучлари томонидан эришилаётган ютуқлар ҳамда барча ҳудудлар бирин-кетин ҳукумат назоратига ўтаётганлиги акс этади. Баъзи шубҳали узатилаётган каналларнинг мазмунини аҳолини руҳий тушқунликка туширишга, қаршилиқни тўхтатишга қаратилганлиги ва жангарилар ҳақидаги маълумотларни етказиш учун махсус ҳарбий бўлимларнинг телефон рақамлари кўрсатилган эди.

Жангарилар орасида парокандалик кайфиятини келтириб чиқариш мақсадида хорижлик жангарилар учун уларнинг тилида, маҳаллий жангарилар учун эса маҳаллий тилда, бир-бирига зид келувчи маълумотлар акс эттирилган баракалар ташланди. Жангарилар орасида ишончсизлик ва саросима бошланди.

Аҳолидан тизимли равишда телефон ва бошқа алоқа каналлари орқали жангариларнинг жойлашган нуқталари, уларнинг ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлар кела бошлади. Бу билан халқ ва армия яқдид ҳаракат қилишга қисман эришилди.

Кейинчалик коалиция кучлари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик Ироқ ҳарбийларига диний экстремистик ташкилотларнинг «Facebook», «Twitter» ижтимоий тармоқларини тўлиқ назорат қилиш имконини бериб, жангариларнинг ижтимоий каналларини аниқлаш, кузатиш, инсонларни тарғибот-ташвиқот қилиш, ўз томонига оғдириш механизмлари, жангариларни ёллаш каналларини мунтазам равишда тизимли таҳлил этиб бориш имкони яратилди. Оқибатда бу каби оғдириш кўрсаткичи 60 фоизгача камайди.

ХАММА ГАП БИЛАКДА ЭМАС

Бу жараёнда Қуролли Кучлар таркибида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ҳолати пасайиб кетишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам устуворлик касб этди.

Ироқ Мудофаа вазирлиги тизими-

да хизмат қилаётган нафақат кичик командирларнинг, балки офицерларнинг ҳам ахлоқий-руҳий ҳолати паст даражада эди. Баъзи офицерлар реал вазиятдан хабардор бўлмай туриб, жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган жойлардан бир-бирига зид келувчи, яъни расмий ҳукумат қўшинлари мағлубиятга учраётганлиги ва уларнинг сафи кун сайин камайиб бораётганлиги ҳақидаги хабарларни Мосул аҳолисига етказиб турган.

Ушбу хабарлар аҳоли орасида жиддий тартибсизлик ва таҳликали вазиятни юзага келтирди. Ироқ қўмондонлиги бу ҳолатга чек қўйиш мақсадида жанг майдонидан келадиган ва юбориладиган маълумотлар назоратини махсус марказдаги ҳарбий оммавий ахборот йўналишида етарли билимга эга офицерлар таркибига юкледи. Бу гуруҳнинг таъсир этиш доирасини, имкониятини кенгайтириш мақсадида Ироқ ҳукуматининг хавфсизлик билан боғлиқ барча идоралари: Ҳарбий разведка бошқармаси, Миллий хавфсизлик хизматининг разведка бўлими ҳамда коалиция кучлари таркибидаги АҚШ махсус медиа гуруҳлари билан ҳамкорликда ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

У эл орқали диний экстремистик ташкилотларнинг тарғибот-ташвиқот баёнотлари, босма нашр манбалари, видео материаллари, аҳолини ўзига оғдириш усул ва услублари, чет эллик ёлгон хабарларни Ироқ ва Сурияга ташлаш йўллари аниқлаш мақсадида интернет сайтлари ҳар кунини ўзлуксиз кузатилиб, тизимли таҳлил қилинди ва истқиболда уларнинг олдини олиш бўйича стратегия ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, аҳолида салбий ахборотларга қарши курашиш бўйича иммунитетни шакллантириш, холис ахборотни доимий равишда халқ онига синдириб бориш мақсадида Ироқ Мудофаа вазирлигининг Разведка бошқармаси томонидан барча ҳудудларда психологик операцияларни амалга ошириш жараёни йўлга қўйилди.

ТИЗИМДАҲ ҲИСОБАГА ХОС БУРИЛИШ

Генерал-лейтенант И. Тахсин берган маълумотларга кўра, Ал-Анбар учун олиб борилган жанговар ҳаракатларда коалиция кучлари томонидан ажратилган махсус техникалар ёрдамида авиация, турли хил жанговар техникаларнинг ҳаракатланаётгани ва ҳаводан зарба бераётган ракета ҳамда ўқотар қуролларнинг овозларини ўхшатиш орқали жангарилар саросимага солинган. Натижада душман шахсий таркибида тартибсизликлар юзага кела бошлайди, улар эгаллаб олган ҳудудларини ташлаб қочишга мажбур бўлади. Кейинчалик жанговар ҳаракат жараёнида асирга олинган айрим жангарилар ҳам саросима ва кўркувга солувчи бу овозларни қаердан келаётганини аниқломай эсанкираб қолганини айтган.

Ушбу ҳолат Ироқ расмий ҳукумати томонидан оммавий ахборот



воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка етказилди. Шу тариқа қўллаб аҳоли яшаш пунктлари бир донга ҳам ўқ узмасдан қайтариб олинди, ёлгон жангариларга диний экстремистик ташкилотларнинг қучсизлангани ҳамда улар томонидан ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган маълумотлар ёлгон эканидан кенг жамоатчилик хабардор қилинди. Бунинг натижа-сида террорчилар таркибига хориж давлатларидан келувчи ёлгонма жангарилар оқимининг кескин камайишига эришилди.

ВАТАНПАРВАРЛИК ҲИССИНИНГ ОШИИШ

Шундай қилиб Ироқ Қуролли Кучларида ахборотга қарши кура-шининг бутунлай янги тизими жорий этилди. Бунда, албатта, халқаро коалиция Ироқ Қуролли Кучларига қўллаб психологик опе-рациялар режасини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва амалга ошириш бора-сида катта ёрдам берди. Хусусан, Ироқ Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларини ўқитиш ва улар малакасини ошириш механизми йўлга қўйилди, бевосита жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ҳу-дудларда ўқув лагерлари ташкил этилиб, зарурий махсус жиҳозлар билан таъминланди. Медиа гуруҳлар мутахассислари аҳоли билан ҳам-корликда ишлаш жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқа-роларга маълумотларни етказиш тартиби, нодавлат оммавий ахборот воситаларини тўғри таҳлил этиш, нотўғри ахборотга қарши самарали чора кўриш усул ва услублари замон талабларига мослаштирилди. Шу билан бирга бевосита жанг олиб бо-рилаётган ҳудудларда шахсий тар-кибнинг ахлоқий-руҳий сифатлари-ни, жанговар руҳини мустаҳкамлаш бўйича медиа гуруҳ малакасини мунтазам равишда ошириб бориш механизми йўлга қўйилди.

Натижада Ироқ аскарларида ва-танпарварлик ҳисси ошиб, ахлоқий-руҳий ҳолати мустаҳкамланди, аскарларда жанг олиб бориш билан бирга фуқароларга нисбатан ин-сонпарварлик, тиббий ёрдам кўрса-тиш, тинч аҳоли ва Қуролли Кучлар ўртасида ўзаро ишонч ҳиссини ўй-ғотиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга эришилди.

Подполковник
Муроджон РЎЗИЕВ, таҳлилчи

НУҚТАИ НАЗАР

COVID-19 пандемияси Ер юзидаги деярли жамики инсоният ҳаётига қайсидир маънода ўзгартиришлар киритмоқда, бу инқирознинг қачон даф бўлишини ҳам ҳеч ким аниқ айтиб беролмаяпти. Аммо сайёрани чулғаб олган фавқуллодда вазият бошқа ўткир халқаро муаммоларни бекор қилганича йўқ, аксинча, масала ечимини янада мураккаблаштириб юборди.

У бузиладими?

Коронавирус пандемияси туфайли апрель охирида халқаро хавфсизлик ва стратегик барқарорлик учун фундаментал аҳамиятга эга ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома бўйича катта конференция қолдирилди. Ахир бу мавзу халқаро ҳамжамиятни ташвишлантираётган катта муаммолардан бири. Ядро қуролини бекор қилиш бўйича Халқаро компания (ICAN) маърузасига кўра, 2019 йилда қуроолларнинг бу турини ривожлантиришга оид харажатлар совуқ уруш якунланган даврдан бери рекорд ўрнатди.

Тўққизта ядровий давлат (ядро клубининг бешта расмий аъзоси – АҚШ, Россия, Франция, Буюк Британия ва Хитой, шунингдек, Ҳиндистон, Покистон, Исроил ва КХДР) ушбу мақсадларга деярли 73 миллиард доллар сарфлаганки, бу ўтган йилги кўрсаткичлардан 10 фоиз кўп демекдир. Айни пайтда АҚШ ўзининг ядро аслаҳаларини ривожлантиришга (35,4 миллиард доллар) қолган барча атом державалари умумий харажатларининг ярмига тенг маблағ сарф этди. ICAN компанияси иккинчи ўринга харажатлари 10,4 миллиард доллар дея баҳоланган Хитойни қўйган. Учинчи ўринни Буюк Британия (8,9 млрд) эгаллаб турган бўлса, унинг ортидан Россия (8,5 млрд) ва Франция (4,8 млрд) бормоқда.

Тинчлик муаммоларини тадқиқ этиш Стокгольм халқаро институтининг баҳолашича, бугунги кунда Ер юзида 13,8 мингдан зиёд жанговар ядровий зарядлар мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоиздан ортиги АҚШ ва Россия ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги вақтда Россия ва Америка ядровий қаллакларининг миқдори 2010 йилда имзоланган ва 2021 йилнинг февралда ниҳоясига етадиган стратегик ҳужумкор қуроолларни чеклаш ва янада қисқартириш чоралари тўғрисидаги шартнома билан чекланган. Ҳар бир томоннинг ракеталари 1 500 тадан ошмаслиги шартномада назарда тутилган.

Аммо ҳарбий жиҳатдан икки йирик давлат кейинги икки йилдан бери ўртада имзоланган ракеталар битимидан чиқиш сари қадамлар ташлаб, дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятни мураккаблаштириб юбормоқда. 2019 йил февралда Москва Вашингтоннинг ўрта ва қисқа масофага учадиган ракеталар шартномасидан воз кечиши бу йўлдаги илк қадам бўлди. Энди эса стратегик ҳужумкор қуроолларни чеклаш тўғрисидаги шартнома (СНВ-3 номи билан машҳур) хавф остида қолган. Бироқ Россия Қўшма Штатларга шу бугунги кунда стратегик ядровий қуроолларнинг пойгасини ушлаб турган ягона ҳуқуқий инструментини узайтиришни таклиф этмоқда, албатта, бу юридик жиҳатдан мураккаб муаммо эмас. Агар томонлар бир қарорга кела олсалар, ўзаро ишонч мустаҳкамланиши, шубҳасиз. Март ойи охиридаги ҳолат бўйича томонлар жойларда – қитъалараро баллис-

МУВОЗАНАТ
НАЗОРАТИДАГИ
БИТИМ

тик ракеталар, сув ости кемалари ва оғир бомбардимончи самолётлардаги баллистик ракеталар базаларида 328 та текширувларни ўтказди. «Аммо шунга қарамай Москва СНВ-3 шартномасини узайтириш борасида кайфият мавжудлигидан далолат берувчи сигналлар олаётгани йўқ», дейди 14 май куни Россия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Сергей Рябков. АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео эса АҚШ ва Россия Президентларининг 3 май куни амалга оширган телефон суҳбати СНВ-3 шартномасини узайтириш тўғрисидаги музокараларга тайёргарлик кўриш учун пойдевор яратганини айтди.

Вақт оз қолган...

Аммо Вашингтон СНВ-3 ни узайтириш учун янги шартларни илгари сурмоқда. Биринчидан, Вашингтон позициясига кўра, Россиянинг янги стратегик ва тактик ядро қурооллари шартномага киритилиши, иккинчидан, энди бу битимга Хитой қўшилиши керак. Бироқ Москва бу талабларнинг СНВ-3 узайтирилишига тааллуқли эмас, деган фикрда. Аввало, муддатни узайтириш музокараларга Пекиннинг қўшилиши билан ечиладиган масала эмас. Чунки СНВ-3 – бу – икки томонлама битим. Пекиннинг ўзи ҳам Вашингтон талабларини рад этди. Хитой раҳбарияти фикрича, ядровий арсенали ҳам Америка, ҳам Россия қудрати билан тенглашолмайди. Яқинда Хитой Коммунистик партиясининг халқаро масалалар бўйича фикрини баён қиладиган «Жэньминь Жибао» газетасининг инглизча наشري «Global Times» газетасидаги мақолада айтилишича, осмон ости мамлакатлари қисқа вақт ичида ўзининг ядровий зарядлари сонини мингтагача, «Дунфэн-41» қитъалараро баллистик ракеталарини 100 тагача кўпайтиришни мўлжаллаб турибди. Бирмунча кенг ядровий аслаҳалар орқали Пекин АҚШнинг стратегик амбицияларини жиловламоқчи. Аммо Қўшма Штатларга тобора ҳарбий қудрати ошиб бораётган Хитойнинг ракеталари тинчлик бермаяпти. «Washington Times» газетасидаги интервьюсида АҚШ Давлат котиби ўринбосари лавозимига номзод Биллингсли Хитойни жалб қилмасдан туриб, АҚШ Россия билан СНВ-3 битимини ҳам, ўрта ва қисқа масофага учадиган ракеталар битимини ҳам имзоламаслигини очиқ баён этди. Москва шартномани узайтиришни истаса, у Хитойни музокаралар столига таклиф этиши керак. Яъни Хитойсиз Россия билан ҳеч қандай битим имзоланмайди. Бу, умуман олганда, СНВ-3 дан воз кечиш билан баробардир.

Вашингтоннинг шартномага СНВ-3 да

аксини топмаган янги рус қуроолларини қўшиш талабини ҳам Москва бемаънилик деб ҳисоблайди. Тўғри, Россия 2018 йилда Путин томонидан яратилгани эълон қилинган олти янги ракетанинг иккитаси – гипертовушли «Авангард» ва «Сармат» оғир қитъалараро ракета СНВ-3 доирасига киритилиши мумкин бўлган янги тизимлар эканлигини эълон қилди. Россия томони нуқтаи назарида қолган тўрт ракета тури шартномада кўрсатилган классификацияга мос эмас. Мабодо Россия ва АҚШ амалдаги ҳужжат матнини ўзгартиришга қарор қилишса, уни қайтадан тасдиқлашларига тўғри келади, бунга эса вақт қолмайди. Чунки шартноманинг амал қилиш муддати поёнига етиб бормоқда.

СНВ-3 нинг бой берилиши Россия, АҚШ ва бутун дунё учун ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Биринчидан, ядро қуролини ихтиёр айлаган давлатлар сони ошади. Иккинчидан, Россиянинг АҚШдаги элчиси Анатолий Антонов ва НАТО Бош котибининг собиқ ўринбосари Роуз Геттемюллер «Foreign Affairs» журналидаги қўшма мақола-ласида айтганларидек, битим барбод бўлса, АҚШ ва Россиянинг бир-бирига нисбатан ўзаро ишончи камаяди. Ядро аслаҳаларининг кўпайиши, алоқа каналларининг қисқариши туфайли ядро қуролини қўллаш эҳтимоли ошади.

Германиянинг
хавотири асослими?

Тортишувлар давом этаётган шундай кезларда Германияда АҚШ ядро қуроолларининг мамлакатда бундан кейин қилиши мақсадга мувофиқлиги борасида баҳслар авж олди. ГФР ҳукуматининг расмий вакили Штеффен Зайбертнинг ишонтиришича, Берлин НАТО ядровий салоҳиятини сақлаш доирасидаги ўз мажбуриятларига содиқ қолади.

Қисқаси, дунёда ҳарбий-сиёсий вазият ҳамон мураккаб. АҚШ Президенти Дональд Трампнинг очиқ осмон тўғрисидаги Шартномадан чиқишини эълон қилиши бунинг яққол тасдиғи. НАТО кенгаши бу қарорни қўллаб-қувватлади. Битим бузилаётганлиги учун бутун жавобгарлик Россия зиммасига юкланди. Шунга қарамай, НАТО Бош котиби Йенс Столтенберг очиқ осмон тўғрисидаги Шартнома ўрнига Россия иштирокида янги муқобил келишув бўлишини инкор этмади. Вашингтон наздида кўп йиллар мобайнида Россия Шартномага зид тарзда Калининград ҳамда Грузия билан чегаралари устидан НАТО самолётлари парвозининг амалга оширилишини чеклаган. Асосий эътироз шу. Хўш, битим барбод бўлишидан ким зарар кўради? Албатта, НАТО ва АҚШ. Аслида, ўз қарори билан Президент Трамп альянсдаги европа-лик иттифоқчилари «лунжи»га зарба берди ва америкаликлар ҳамда иттифоқчиларининг Россия Қуроли Кучлари фаоллиги устидан самарали назорат қилиш воситасидан маҳрум қилди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

ҲАРБИЙ МАҲОРАТ БИЛАН УЙҒУНЛАШГАН ИСТЕЪДОД

“ Ўшанда касб-хунар коллежида ўқирди. Дарс тугаши билан мўйқаламини олиб кўчага ошиқадиган, табиатни, одамларни кузатиб, гўзалликни қоғозга жойламагунича уйига қайтмайдиган бу бола кун келиб ҳарбий бўлиши хаёлида йўқ эди.



шига сабаб бўлади.

Қаҳрамонимиз иш жараёнига шўнғиб кетганида, у чизган суратларни кўздан кечирдик. Картиналарида ёрқин рангларга устун, ҳар бир деталга маъно юклаган. Энг қизиғи, ҳамма суратларида ойнинг ранги оппоқ. Ахир ой оқ рангга эмас-ку. Масалан, «Десантчи» номли картинасида ҳарбийнинг тепасидан нур тушиб турибди, осмондаги ой оппоқ рангга. Муаллифнинг изоҳлашича, картинада акс этган ҳарбий хизматчининг устидаги нур – ота-онаси, халқининг дуосидир. Ойнинг оқ рангдалиги эса – паҳлавон йигит уйини соғинганлиги учун ҳатто томининг тепасидаги ой ҳам кўзига оппоқ бўлиб

Тайёр бўлган картиналаримга қараб қувонардим. Инсон доим гўзалликни кўра олиши керак. Чунки эътибор берсак, ҳар тараф гулзор, гўзаллик. Масалан, водийга кетаётиб, доvonни диққат ва ҳайрат билан томоша қиламан. Хоҳ кундузи, хоҳ кечаси бўлсин, ухламайман. Юртимиз тоғларида табиатнинг донишмандлиги бор. Улар бизга мозийнинг ажиб-ажиб сирларини сўзлаётгандай бўлаверади. Нуроний бобом билан суҳбатлашгандай бўламан. Табиатга қулоқ тутаман, кўп нарсани ўзим учун қайтадан кашф этаман. Уйга келиб албатта бирор сурат чизаман. Чиройли манзараларни қоғозга жойлайман.

Ҳар гал Қуролли Кучлар академиясига борганимда атроф-муҳитининг тозаллиги эътиборимни тартади. Бир текис ўсган ранг-баранг гуллар ҳам ҳарбий таълим олгандек, гўё. Дарахтлар чиройли буталган. Академиянинг боғбони яхши ишлар экан, деб қойил қолардим. Кейин билдимки, бу масканни ободонлаштириш ишларини курсантларнинг ўзлари бажаришар экан.

Академия ҳовлисида яқинда ўрнатилган янгича кўринишдаги ландшафт намуналари унинг кўрқига кўрк кўшган. Ландшафт немисча сўздан олинган бўлиб, «land» – yer, «schaft» – manzara деган маънони англатади. Безакнинг бу туридан қадимдан саройларни безатишда фойдаланишган. Йигирма биринчи асрга келиб, ландшафтнинг янги турлари пайдо бўлди ва ривожланиш чўққисида кўтарилди.



Ландшафт қурилишида асосан ўсимликлардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам гуллардан қуш ва жониворларнинг шаклини чиқариш анчагина машаққат, сабр талаб қилади. Уни қарангки бундай мураккаб ишни академиянинг 3-босқич курсанти Саидали Мамиров бажарибди.

Кўнгли санъатга ошуфта йигит. У Республика рассомчилик коллежини тамомлаган. Олий таълим даргоҳида қад ростлаган кийик, товус, дельфин кўринишидаги ҳамма-ҳамма ландшафтлар Саидалининг ижод маҳсули.

Қаҳрамонимизни излаб академияга борганимизда, у янги иш устида қизгин ишлаётган экан. У ҳақда газетага ёзмоқчилигимизни айтганимизда минг хижолат билан «Нимаям дердим, ҳали кўп изланишим, ишлашим керак», деди камтарлик билан. Янги лойиҳаси билан қизиқдик: дам олиш майдончаси ёнига ҳовуз қуришни режалаштирибди ва аллақачон шу бўйича ишга киришиб кетибди. Лойиҳада катта дельфин кўриниши бўлиб, сув унинг оғзидан тушиб келади. Бу эса одам мия фаолиятининг дам олишига, маданий ҳордиқ чиқари-

кўриниши, қишлоқдаги ҳаммани бирдек қўмсагандаги ҳолатини англатар экан.

Саидалининг айтишича, дастлабки суратини ўн бир ёшида чизган. Илк суратлари машқ даражасида бўлса-да устозларининг, оила аъзоларининг мотивацияси ундаги истеъдод учқунини оловлантирган. Натижада ҳаваскор рассом ўз ижоди орқали туман, вилоят, сўнгра республика миқёсидаги танловларда ғолибликни қўлга кирита бошлади. «Баркамол авлод», «Келажак овози» каби иқтидорли ёшлар танловларида фаоллар сафиди бўлди.

– Санъатнинг қайси тури бўлмасин, инсонга маънавий қувват беради, – дейди Саидали. – Тасвирий санъатда ранглар сўзлайди, қуйлайди. Сурат томоша қилиб йиғлаб юборган ёки қайфияти кўтарилган инсонларни кўп кўрганман. Ҳа, ижоднинг шундай сеҳри бор. Болалигимда кўпроқ табиат манзараларини, юртимиз тупроғида пишган сархил меваларнинг суратини чизишни яхши кўрардим.



Муаллиф суратга олган

Саидали тасвирий санъатдаги илк таълимни мактабда рассом – Ҳамдам Мирзакаримовдан олган. Унинг маҳорати суҳбатдошимизни ўзига маҳлиё қилиб, соҳага иштиёқини яна-да оширган. Бола кўнглида келажакда албатта устози каби рассомчилик мактабини яратиш истагини уйғотди. Улғайгани сайин орзулари ҳам катталашди, олий мақсадга айланди. Келажакда шахсий кўргазмасини ташкил этиш нияти бор. Ўрол Тансиқбоев, Акмал Нур, Чингиз Аҳмаров каби ижодкорларга ҳавас қилади. Бу эса Саидалининг диди юксак, ниятлари эзгулигига ишорадир.

Ҳарбий қудрат ва илҳом Саидалининг қўш қанотида айланиши ва унинг эзгу ниятлари амалга ошишига умидвормиз!

Шоҳсанам НИШОНОВА,
«Vatanparvar»



ФАКТ

Ё ҳазил, ё жазо

1940 йил сентябрь ойининг 27 санасида Берлин шаҳрида Германия, Италия ва Япония томонидан муҳим бир ҳужжат имзоланади. Кейинчалик Берлин пакти деб аталган ушбу ҳарбий-сиёсий битим уч давлатнинг дунёни бўлиб олиш сиёсатини ўзида яққол намоён қилди. Босқинчилик режалари билан тўйинтирилган битимга кўра, Германия ва Италия Европада, Япония эса Осиёда янги тартиб ўрнатмоқчи бўлди.

10 йиллик муддатга мўлжалланган Берлин пактига кейинроқ Германия ва Японияга тобе бир қатор давлатлар: Венгрия, Руминия, Словакия, Болгария, Югославия (ҳукумат ўзгаришидан кейин Югославия пактдан чиққан), Финляндия, Испания, Таиланд, Хорватия, Маньчжоу-го ва Хитойнинг японлар босиб олган ҳудудидаги Ван Цзинвей ҳам бирин-кетин қўшилди.

Тарих ё ҳазил қилди, ё жазолади. Тақдирни қарангки, орадан беш йил ўтиб, ташаббускор Германиянинг ўзи иккига бўлинди. Ҳатто пойтахти Берлин шаҳри ҳам Шарқий ва Ғарбий Берлинга бўлинди. Буям камлик қилгандай шаҳар ўртасидан баланд девор қурилди.

Жаҳоннинг икки сиёсий қутби ўртасида кўтарилган бу девор башариятнинг машҳур деворлари қаторига кириб, «Берлин девори» номини олди.

Соат 1 дан

11 дақиқа ўтганда

1945 йил. Уруш тугади. Германия капитулляцияси эълон қилиниб, Потсдамда келишув имзоланди. Унга кўра, Германия ҳудуди тўрт секторга бўлиниб, ғарбига АҚШ, Буюк Британия, Франция, шарқига тўлиқ СССР қўшинлари жойлаштирилди. Шундай қилиб, мамлакатнинг шарқда Германия Демократик Республикаси (ГДР), ғарбда Германия Федератив Республикаси (ГФР) деб номланган давлатлар пайдо бўлди.

Юз йиллар давомида бир халқ бўлиб яшаган ва йигирманчи асрнинг иккинчи ярмига келиб, бир-бирига бутунлай тескари икки хил сиёсат йўриғида яшаётган одамлар танг аҳволда қолди. Гап шунда эдики, социалистик жамият қуриш йўлини тутган ГДРнинг ижтимоий турмуш даражаси Ғарбий Германияга нисбатан анча орқада қолди. ГФР аҳолисининг яшаш шароити, иқтисодий аҳволи, иш ҳақларининг баландлиги минглаб шарқликларни ўзига оҳанграбодек торта бошлади.

1960 йилда ГДР ҳукумати «Ғарб пропагандасининг олдини олиш» шиори остида собиқ Иттифоқнинг курсатмаси билан Шарқий Берлинга ўтишда чекловлар жорий қилди. Бунга жавобан Ғарбий Германия Шарқий Германия томонидан «иқтисодий уруш» дея баҳоланган чорани қўллади – томонлар ўртасидаги савдо алоқалари бекор қилинди. Шундан кейин 1961 йилда 207 минг нафар, биргина июль ойининг ўзида 30 минг нафар Шарқий Берлин аҳолиси Ғарбга қочиб ўтди. Асосан ёш ва малакали мутахассисларнинг Ғарбга ўтиб кетиши Шарқ учун жиддий иқтисодий зарба эди. 1961 йилнинг 3 августда Москвада чегарани ёпишга келишилди.

Шу йилнинг 13 августи, тунги соат бирда 25 минг кишидан иборат ҳарбийлашган гуруҳ чегара чизигини эгаллади. Уларнинг ҳаракатларини Шарқий Германия қўшинлари ҳимоя қилиб турди. Совет армияси жанговар ҳолатга ўтди. Соат 1 дан 11 дақиқа ўтганда ГДР ахборот агентлиги чегарани ёпиш тўғрисидаги қарорни эълон қилди.

БЕРЛИН ДЕВОРИ



BERLINER MAUER 1961 - 1989



Биринчи қочоқ

15 августда операциянинг иккинчи босқичи бошланди. Аскарлар ва қурувчилар чегарачилар назорати остида олдиндан тайёрлаб қўйилган бетон блоклар билан чегара чизиги устидан мустаҳкам деворни тиклашга киришдилар. Айни шу дақиқаларда девордан ошиб ўтган биринчи қочоқ ҳам тарих саҳифаларига битилди. У 19 ёшли чегарачи Конрад Шуманн эди. 17 августда 18 ёшли қурувчи Петер Фехтер девордан ошишга уринаётганда отиб ташланди ва бу ҳаракат чоғида ҳалок бўлган биринчи қурбонга айланди.

Девор 10 кунда қуриб битказилди.

АҚШнинг махфий режаси

1961 йилнинг 28 октябрида Берлиндаги АҚШ ҳарбийлари деворни бузиш режасини ишлаб чиқишди. Собиқ Иттифоқ разведкаси ўз вақтида бу режадан хабар топди. Ўша куни

Бранденбург дарвозаларидаги назорат пунктига Америка зирҳли ҳарбий техникасидан иборат колонна яқинлаша бошлади. Дастлаб учта «Жип», уларнинг ортидан бульдозерлар, энг орқада ўнта танк келарди. «Жип»лар ўтиши билан ён атрофдан совет танклари чиқиб келди ва бульдозерлар йўлини тўсиб қўйди. Совет ва АҚШ танклари туни билан бир-бирларини мўлжалга олиб турди. Бу ҳолат кейинчалик икки давлат ўртасидаги совуқ урушнинг кўринишларидан бири бўлиб қолди. Эрталаб Москвадан ўт очмаслик ва ортга қайтиш ҳақида буйруқ келди ва ҳар икки томон ортга чекинди.

Деворнинг мустаҳкамланиши

Девор қурилиши ҳар икки янги давлат фуқароларининг ихтиёридан ташқаридаги ҳодиса бўлди. Табиий эҳтиёж, қондошлик ришталари туфайли деворнинг у ер, бу ери шарқийлар

томонидан тез-тез бузилиб, Ғарбий Берлинга қочиб ўтиш ҳолатлари кўпаяверди. 1975 йилда деворнинг асосий қисми 3,6 x 1,5 ўлчамдаги бетон блоклардан қайта тикланди. Яна бир қисми эса баланд металл панжара билан ўралди. 164 километр узунликдаги деворнинг бетон блок билан ёпилган қисмига жами 45 мингта бетон блок ишлатилди.

Эгон Кренц

1937 йилда тикувчи oilасида туғилган Шарқий Германиянинг сўнгги раҳбари Эгон Кренц болалигидан СССРнинг таъсир доирасида ўсганди. У дастлаб пионер, кейин комсомол, коммунист бўлди. Унинг номи тарих саҳифаларига ГДР коммунистларининг сўнгги етакчиси номи билан битилди.

СССР учун Шарқий Германия Европадаги асосий таянч бўлгани сабабли унинг ҳудудига Иттифоқ 800 ҳарбий гарнизон ва ярим миллион аскарини жойлаштирганди. «Босқинчиларми ёки йўқ, лекин биз совет аскарларида дўстларимизни кўрдик», деганди кейинчалик собиқ раҳбар ва етакчи Эгон Кренц. Аммо тарих кимнинг кимга дўстлигини кўрсатди. 1997 йилда уни девор қулагунга қадар шаҳарнинг шарқий ва ғарбий қисмлари орасидаги чегарани кесиб ўтишга уринган одамларнинг ўлимида айбдор деб тан олишди. У тўрт йил қамокда ўтириб чиқди.

Совуқ уруш рамзи

Берлин деворининг қурилиш операцияси «Хитой девори II» номи билан аталган бўлса-да, у машҳурликда Хитой деворига ета олмади. Йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йилликларига келиб ўзини оқламаган социалистик мафкура ва ғояларни тўтиб турган таянч устунларга бирин-кетин дарз кета бошлади. Совет тузуми ўрнатилган Европа давлатлари инқирозидан кейин, улкан тўлқин Иттифоққа тарқалди.

Бу даврга келиб, иқтисодий танглик туфайли ГДР аҳолисининг норозилиги кучайди. ГФРга қочиб ўтиш оммавий тус олди. Теварак мамлакатларда ҳам намоийшлар, исёнлар авж олган палла эди. 1989 йил ноябрь ойининг тўртинчи санасидаги 500 мингдан ортиқ фуқароларнинг намоийшидан кейин ГДР ҳукумати истеъфога чиқди. 9 ноябрда янги ҳукумат Берлин шаҳри ўртасида қурилган чегара-тўсиқлар олиб ташланганини ва одамлар қўшни давлатга эркин бориб келиши мумкинлигини эълон қилди. 12 ноябрда, аниқроғи, уч кунда 2 миллион ГДР аҳолиси Ғарбий Берлинга ўтиб-қайтди.

1990 йил январь ойида девор расман йиқитилди. Унда расмий кишилардан ташқари минглаб кўнгилли фуқаролар оддий болғалар ёрдамида деворни қўлатаётган техника воситаларига кўзларидан ёш билан ёрдам бериб иштирок этган эди. Шу йил май ва август ойларида имзоланган иккита давлат шартномасида ГДРни ГФРга қўшиш шартлари баён этилди. Шундай қилиб, асли бир бўлган икки давлат фуқароларининг бирлашиш орзуси 1990 йил 3 октябрда амалга ошди. Пойтахт Бонн шаҳридан яна Берлинга кўчирилди. Ҳукумат 2000 йилда Берлинга кўчди.

Икки Германия бирлашганидан сўнг совуқ урушнинг рамзи сифатида деворнинг бир қисми бузилмади, унинг яқинида одамлар томонидан яратилган девордан ўтишнинг антиқа воситаларидан иборат музей ҳам ташкил қилинди.

Фурқат ЭРГАШЕВ

ОИЛА ГУЛШАНИ

“Оила – ҳар биримиз учун сеvimли ва азиз гўша. Биз мана шу даргоҳда туғиламиз, камолга етамиз. Унинг бағрида Ватан нималигини, ота-она улўғлигини ва яқинлар қадрини тушунамиз. Шунинг учун ҳам оила ҳақида сўз кетганда дуоғўй отамизнинг, мунис онамизнинг, жондош ака-ука, опа-синглимизнинг меҳр тафтини ҳис қиламиз. Унга интилиб, талпиниб яшаймиз.

Халқимиз орасида шундай нақл юради: уйда бахти борлар ҳар ерда бахтиёрлар. Бунинг учун эса хонадонда тинчлик-тотувлик, эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат бўлса, кифоя. Ана шундагина оилаларда шодлик ҳукм суради, фарзандлар эса баркамол вояга етади. Мақоламиз қаҳрамонлари – майор Айбек Досимбетов ва Наргиза Хўжанбаева ҳам шундай тўқис бахтга эришган инсонлар.

Болалигидан ҳарбийликка меҳри тушган Айбек мактабни тамомлаб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширди. Синов имтиҳонларига астойдил тайёргарлик, интилиш ва ҳаракат ўз мевасини берди – у билим юрти курсантига айланди. Энди унинг олдида ўқишни муваффақиятли якунлаб, ота-онасининг ишончини оқлашдек юксак мақсад турарди. Бор кучини ўқишга, билим олишга сарфлади. Назарий ва амалий ўқув машғулотларида доим илғорлар сафида бўлишга интилди. Спорт мусобақаларида, билимлар беллашувларида фаол иштирок этди. Натижада аълочи курсантлар сафидан жой олди,

БАХТЛИ БЎЛИШ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА



устозлар назарига тушди...

Умр – оқар сув. Ҳаш-паш дегунча Айбек ҳам билим юртини муваффақиятли якунлади. Битирув тантанаси ҳамон ёдида: гул кўтарган қариндошлари, юзларидан қувонч балқиб турган ота-онаси... Буларни ёдга олиш қанчалар ёқимли... Мана, шу воқеага ҳеч қанча вақт ўтмасдан Баҳром ака ва Алима опа ўғли Айбекни уйлантириш пайига тушиб қолди. Улар келинликка номзод қизларни бир-бир суриштириб борида Гулистон опа меҳмонга келиб қолди. Сўхбат асосида Алима опанинг ўғил уйлантиришлари кераклигини билган Гулистон опа муносиб номзод борлиги ҳақида айтиб қолди:

– Опа, мактабимизда Наргиза исмли ўқитувчи қиз бор. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалини тамомлаган. Мактабда информатика фанидан дарс беради. Олти ой бўлди иш бошлаганига. Эсли-хушли, одобли қиз. Ота-онаси ҳам зиёли инсонлар. Агар маъқул бўлса, Айбекни ўша қиз билан учраштирайлик. Ажаб эмас, юлдузи-юлдузига

тўғри келиб, турмуш қуришса.

Бу гап Алима опанинг қалбидаги умид учқунини алангалатди. Бўлажак келиннинг ўқимишли эканлиги Баҳром акага ҳам маъқул келди. Шундай қилиб, Айбек ва Наргизахон учрашишди. Қувонарлиси, ёшлар бир-бирини ёқтиришди. Ниҳоят, барчанинг ҳавасини келтирадиган тўй ҳам бўлиб ўтди...

Майор Айбек Досимбетов ҳозирда Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қиляпти. Наргизахон эса фарзандлар тарбияси билан машғул.

– Меҳрни оиланинг мустаҳкам пойдевори, дейишади. Ҳақ гап. Чунки бир-биридан меҳрини аямайдиган, бир-бирига елкадош бўлган эр ва хотин турмушда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни матонат билан қўрқмасдан енгилга қодир бўлишади. Бу ҳаётини ҳақиқатнинг исботини ота-онам, туғилиб ўсган оилам мисолида қўрганман. Мана шундай ҳаёт кечиряшга ҳаракат қиляпман, – дейди Наргизахон. – Аёлнинг бахти шубҳасиз, оиласи билан тўқис. Тўғри, ҳарбий хизматчиға рафиқа бўлиш масъулиятли. Лекин ҳаётда

қандай ҳолат бўлмасин, ўзаро ишонч ва ҳурматни асраш, қийинчиликларга сабр қилиш, оилага садоқатли бўлиш инсонни эл ҳурматиға етказиши.

– Оила тебратишда, фарзанд тарбиялашда ота-онамнинг биз, фарзандларга ибрат бўларлик фазилатлари бисёр. Мен ҳар доим улардек бўлишга интиламман, – дейди оила бошлиғи. – Биласизми, ота-онамнинг бирор марта биз, болаларга қаттиқ гапирмаган, уришмаган. Бирор айб иш қилиб қўйсак ҳам ёнларига чақириб, қилган ишимизнинг оқибати ёмон эканлигини ётиғи билан тушунтирардилар. Ота-онам ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатга ҳавас қиламан. Улар бир-бирини ҳар доим авайлашади, бир-бирига ширин муомалада бўлишади. Фарзандлар умри давомида аввало катталардан, ота-оналаридан ибрат олишади, деб бежиз айтишмас экан. Биз ҳам катта ҳаёт тажрибасига эга азиз инсонларимиздан ўрнатиб олиб, ҳаёт кечиряпмиз.

Сўхбатдошларимизнинг сўзларини тинглаб эканмиз, бу хонадонда ҳукм сураётган оёсийиштакли ва эр-хотиннинг бир-бирига бўлган меҳрли муносабатининг боисини тушунгандек бўлдик. Шинамгина уй, замонавий жиҳозланган хоналар оиланинг тўқис яшаётганидан далолат беради. Юзидан самимий табассум аримайдиган Наргизахон ва оиланинг жажжи аъзолари Азизбек, Ниғина ва Ақлбек – Айбекнинг ҳаётда топган бебаҳо бойлиғи. Бу бойлик қалбга ҳаловат, ҳаётга мазмун бахш этади.

Майор Гулнора
ҲОЖИМУРОДОВА

МУДОФААГА ҚЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

МАШҒУЛОТЛАР ОНЛАЙН АСОСИДА
ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

“Ҳар бир жамиятнинг тақдири ва келажаги албатта давлатнинг етакчи кучлари ҳисобланмиш ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Халқимиз азал-азалдан фарзанд, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган.

Карантин шароитида ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифалардан бирига айланди. Бу ҳақиқатни теран англаб етган Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидеги Поп тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси томонидан ёшлар қалбидеги ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида карантин талаблари доирасида алоҳида аҳамият касб этадиган амаллар бажарилмоқда.

Мамлакат истиқболи учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар доимо зарурдир. Юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эса қадимдан ота-боболаримиз томонидан шаклланиб



келган асл миллий ва диний қадриятларимизнинг аҳамияти нечоғлиқ муҳим эканлигини кўрсатиб бермоқда. Шу боис ҳам туман ЎСТК жамоаси томонидан ёшларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

– Бошқа турдош ташкилотларда бўлгани каби Республика махсус комиссияси ахборотиға кўра, эндиликда ташкилотимизда назарий машғулотлар масофадан туриб (онлайн) ўқитиш орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди, – дейди Поп тумани ЎСТК бошлиғи Раҳмонали Тўраев. – Карантин даврида ҳам ёшларнинг жисмоний фаоллигини ошириш мақсадида «Telegram» ижтимоий тармоғида клуб аъзолари ўртасида онлайн мусобақа-

ларни ташкил этишни режалаштирдик. Бундан ташқари, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш орқали тингловчиларга назарий машғулотларни олиб боришда янги инновацион технологиялардан фойдаланиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тингловчиларга масофадан ўқитиш бўйича қўшимча машғулотлар ташкил қилинди.

ЎСТКда жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 575 нафар «В», «ВС», «Е» тоифали ҳайдовчи тайёрланди. Эндиликда ҳам бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Бунинг учун ташкилотда етарли моддий-техник база шакллантирилган ҳамда ўқув жиҳозлари ва замонавий русумдаги транспорт воситалари билан таъминланган.

Ақбар АЛЛАМУРОДОВ

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

МИЛЛАТ
БОЙЛИГИНИНГ
КЎЗГУСИ

“Хар бир халқнинг Ватани, давлати каби яна бир буюк, бирламчи бойлиги, яъни унинг тили мавжуд. Айнан тил инсонлар гуруҳини бир миллат сифатида бириктиради, халқни халқ, миллатни миллат қилади.

Чиндан ҳам, тил – ақл калити. Инсонга таъриф берилганда, аввало, унинг жонзотлар бебаҳра бўлган уч хислати таъкидланади – фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш. Шу уч фазилатдан иккитаси – бевосита, биттаси – билвосита тил билан боғлиқ. Тил – тарих, бугун, келажак. Тилнинг энг асосий манбаи – сўз. Бироқ сўзлар одамлар, яъни шу тил эгалари ва уни билганлар онгидагина мавжуддир. Агар ёзиб олинмаса, бир жойга жамланмаса, маънолари изоҳланмаса, унинг ҳам бир қисми бугун-эрта унутилиши, йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам қадим-қадимдан олимлар луғат тузиб, сўзларни, улар аналган маъноларни китобга муҳрлаб қўйган.

Шарқда луғат тузишда савобли юмушга катта ҳурмат билан қаралган. Маҳмуд Кошғарий XI асрдаёқ туркий сўзлар бойлигини араб тилида изоҳлаб, ўша давргача халқимиз яратган лисоний бойлигимизни буюк мерос сифатида қолдириб кетган. Луғат бўйича яна 9 та миллий манба мавжуд бўлиб, булар – Маҳмуд Замахшарийнинг «Асос ул-балоға» ва «Муқаддимат ул-адаб» (XII аср), «Ат-тухфат уз-закияти фил-луғат ит-туркия» (XIII аср), Толе Имон Ҳиравийнинг «Бадоеъ ул-луғат» (XV аср), номаълум муаллифнинг

«Абушқа» (XVI аср), Муҳаммад Ёқуб Чингйининг «Келурнома» (XVII аср), Муҳаммад Ризо Хоксорнинг «Мунтахаб ул-луғот» (XVIII аср), Мирзо Маҳдийхоннинг «Санглоҳ» (XVIII аср), Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чигатойи ва турки усмоний» (XIX аср) асарлари ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикаимиз ҳукумати томонидан ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш ишларини жадаллаштиришга қаратилган 2 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарори ва 1 та фармойиши лойиҳалари ишлаб чиқилди, яна бир қанча лойиҳа ва режаларни тартибга солиш устида иш олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари томонидан ишлаб чиқилган беш жилдди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилиши муҳим ишлардан бири бўлиб, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини ошириш йўлидаги навбатдаги босқич бўлди.

Луғат 80 мингдан ортиқ ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва сўз бирикмалари, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига

оид терминлар, шевада қўлланадиган сўзлар, тарихий атамаларни ўз ичига олган. Луғатнинг ушбу наشري ҳозирча уч минг нусхада чоп этилган. Қайта нашрида уч мингга яқин бирликнинг қўшилиши изоҳли луғатнинг илмий-амалий қиймати янада оширган, луғатда омоним сўзларнинг рим рақамларида алоҳида ажратиб кўрсатилиши ўзбек тилининг миллий корпусини шакллантиришда амалий аҳамиятга эга.

Сўзлар амалдаги имло қоидаларига риоя этилган ҳолда ёзилгани сабаб изоҳли луғатдан имло луғати сифатида ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Ўзбек тилидаги фаол сўзларни аниқлашда, кўп маъноли сўзларнинг семантик (мазмун, маъно, ахборот) қирраларини, омоним сўзлар моҳиятини ёритишда жудаям аҳамиятли. Изоҳли луғатда фаол қўлланиладиган диалектал (шева билан боғлиқ) сўзларнинг изоҳланиши ўзбек тилининг луғат бойлиги, адабий тилдаги сўзларнинг шевалардаги муқобилларини акс эттиришда аҳамиятли ҳисобланади.

Изоҳли луғатда мудофаа ва мудофаа саноати тизимига оид кўплаб атамалар қайд этилган. Луғатдан вазирлик марказий аппарати ҳарбий хизматчилари ҳукумат даражасидаги қарор, фармойиш, кўрсатма, буйруқ, директива, буюриш ва йўриқномалар, тизимдаги олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари эса дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларни ёзишда фойдаланишлари мумкин бўлади.

Мобиль иловаси ҳам ишлаб чиқил-

ган бўлиб, «izohli-lug.at.uz» веб-сайти устида ҳам иш олиб борилмоқда. Унда фойдаланувчилар учун сўз кўшиш (кўриқдан ўтказиб) имкони яратилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан 2020 йил охирига қадар «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» лотин алифбосида ҳам нашр этилади. У 17 мингга яқин янги сўз ва сўз бирикмалари қўшилиши ҳисобида жами 100 минг сўзлик тўпламга айланади. Истиқболда «Давлат тилида иш юритиш», «Халқаро терминология», «Ўзбек тилидаги фаол сўзлар», «Ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий атамалари изоҳли луғати», «Ўзбек тилининг имло луғати», «Ўзбек тили синонимлари луғати», «Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати» сингари 10 дан ортиқ илмий ва амалий қўлланмаларини босмадан чиқариш устида иш олиб борилмоқда.

Онг ривожланмас экан, жамият тараққий этмайди. Жамият ривожланмас экан, ҳаёт даражаси кўтарилмайди. Тил тараққий этмас экан, онг ўсмайди. Ҳурматли ўқувчи, агар ўзбек тилидаги сўзларнинг луғавий маънолари қизиқтирса ёки уларнинг изоҳини билмоқчи бўлсангиз, янги нашрдан чиққан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни астойдил мутлоаа қилишингизни тақдир этамиз.

Қаҳрамон КАМОЛОВ,
Мудофаа саноати бўйича
давлат қўмитаси раисининг
маслаҳатчиси



ТАЪМИНОТ – ҚУВВАТ МАНБАИ

“Қуrolли Кучлар академиясида «Фронт орти таъминоти тизимини такомиллаштириш истиқболлари» мавзuida илмий-назарий конференция ўтказилди.

Бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил қилинган илмий-назарий конференцияда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент кимё технология институти, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети, Мудофаа вазирлиги Моддий-техник таъминот бош бошқармаси буюм таъминоти бошқармаси вакиллари ҳамда Қуrolли Кучлар академияси профессор-ўқитувчилари ўзларининг мавзуга доир маърузалари билан иштирок этдилар.

ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

«Ҳарбий анжомларни такомиллаштириш истиқболлари», «Ҳарбий қисм озиқ-овқат хизматидаги кири-тилган ўзгаришлар», «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида кийим-кечак таъминоти тизимини такомиллаштириш истиқболлари» каби қатор маърузалар савол-жавоблар асосида бойитилди.

– Бугун қилинган ишларга маълиё бўлиб ўтирадиган замон эмас. Муваффақиятларни баҳам кўриш, камчиликларни бартараф қилиш, халқаро тажрибаларни ўзлаштириш мунтазамлик касб этиши керак. Ушбу конференция моддий-техник таъминот йўналишлари бўйича дунёда ва минтақамизда амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили



билан янада аҳамиятли бўлди. Жаҳонда етакчи ўринни эгаллаган давлатларнинг армияларида бу соҳада эришилган ютуқлар ва камчиликлар сарҳисоби олиб борилган ислохотларга ижобий таъсир кўрсатишига шубҳа йўқ, – дейди

подполковник Отабек Гулямов.

Сермазун ва қизгин тарзда ўтган конференция материаллари жамла-ниб, тўплам ҳолида нашр этиладиган бўлди.

Подполковник
Фурқат ЮЛДОШЕВ

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ЁРУҒ ДУНЁ

Шифокор Ўғил момога уйга кетишига рухсат берди.

– Бир муддат уйда бўлинг, пича фурсатдан сўнг яна даволашни бошлаймиз, – деди шифокор хотиржамлик билан яқинда ўтган амалиёт ўрнини текширар экан.

Кампир маъюс кулимсиради.
– Мени алдамай қўяқол, ўғлим, юрагим сезяпти, сафарим қариди.
– Кексаларнинг топган гапи шу, – деди шифокор ясама хушнудлик билан, – ҳали юзга киришингиз керак.

Ўғил момо уйга қайтганидан кейин хонасидаги пардаларни олдиртириб ташлади. Ёруғлик кўпайди. Авваллари пардаларни тушириб ўтириш ёқарди. Қуёш нурларидан хонасини тўсгани тўсган эди.

Олисида ашайдиган қизи кўргани келди. Бош томонига ўтиб, онасининг юзларини силади. Ўтироқчи эди кампир изн бермади:

– Чеккага ўт, ойнадан келади-ган ёруғликни тўсаясан.

Аёл оёқ томонга ўтириб, онасига термилди. Уни кўриб севи-ниб кетадиган онаси ойнадан, ёруғликдан кўз узмасди. Унсиз-гина кўз ёши тўкаётган қизига қиё ҳам боқмади. Шу тахлит анча ўтирди. Онасининг овозидан хушёр тортиди.

– Хайй, ёруғ дуня-я, бунчалар жилаварсан-ай...

Кампир ҳамон ёруғликка тикилиб ётарди. Шу гапни айтди-да, бир оғир хўрсиниб, кўзларини юмди. Ҳаял ўтмай кампир ётган хона кечиккан қуёш нурларига тўлди.

НОМУС

Ўғли оламдан ўтганидан сўнг Шахриниса чўкиб қолди. Ёнида ухлаб ётган бабираларига термилди, юраги ўртанди. Саккиз ёшли Ботиржон отасига жуда ўхшайди. Катта набираси онасига тортган. Кейинги пайтда қизалоқ ҳам келиб, бувисининг ёнида ётадиган бўлди.

Нодирим отасиз ўсган эди, алам билан ўйлади аёл. Тақдирнинг талхлигини кўринг, болалари ҳам отасиз қолди. Ҳовлининг бир четида ўраб ташланган машинани бориб майдалаб ташлагиси келди. Икки йилки, фарзанд доғи билан ёнади, машинани майдалаб ташласа, енгил тортадигандек туюлади. Аммо ўғлининг машина сотиб олганда севинганлари кўз олди-га келади-ю, совийди. Тўшагида ўтирганича чуқур «ухх» тортиди. Ихтиёрсиз оққан кўз ёшларини кенг енг билан сидириб, ўрнидан кўзгалди. Энди ухлалмади. Ташқарига салқин ҳавога чиқди. Шарпасизгина бориб, ҳовлидаги супага чўкди. Кеча сутдек ойдин. Ҳадемай тонг ёришади. Шу ўйдан бироз юраги ҳам ёришгандек бўлди.

Келини ётган уйнинг эшиги оҳиста очилгандек бўлди. Бечора, у ҳам бедорми, дейман. Қийин, унга ҳам қийин. Ўғлим иккиси бир-бирини қандоқ суяр-

ҲАЁТ

МАНЗАРАЛАРИ

Умр оқар сув. Ҳеч нарсани ортга қайтариб бўлмайди. Ҳаёт жуда тез. Инсон бунни билади. Аммо... Ўртамизда сўралмаган узрлар бор, айтилмаган изҳорлар, кўрсатилмаган меҳр бор. Ҳар лаҳза ғанимат. Умр оқар сув.

дилар. Шу пайт эшикдан чиққан қорага кўзи тушди-ю, чап кўксини чангаллаб, инграб юборди... Нахотки... Ўғлининг тўшаги...

Аёл шу ўтирган бўйи тонг отганини ҳам сезмади. Келини унинг қаршисига келиб, кўзларига кўзи тушди-ю, бирданига чўк тушиб тиззаларини кучоқлаб, хўнграб юборди. Аёл келинидан ўзини тортиб, кўча эшик томон юрди.

Дарвозага етганида келини ортидан «онаааа» деб йиғи аралаш ёлворди. Ҳасрат, ғусса, гуноҳкорлик қоришиб кетган бу оҳангдан аёлнинг кўкси ачишди. Бир дам тўхтади... Ортига бурилмади. Яна йўлида давом этди.

Девор-дармиён қўшниси Жўра полвоннинг ҳовлисига овоз бермасдан кириб борди. Эрталаб ҳамма ўз иши билан куйманиб юрарди.

– Келинг, келинг, – деб полвоннинг хотини қаршисига чиқди.

– Ишингни қилавер, полвонда икки оғиз гапим бор, – деди совуққина қилиб.

– Тинчликми, опа, бирор ёрдам керакми, айтаверинг, – деди хавотир билан аёлнинг қорайиб кетган юзларига боқиб.

Аёл уй деворига тақаб қўйилган эски курсига оғир чўкди. Юзига номигагина фотиҳа тортиди. Нега кирганини унутгандек ерга боққанича бир муддат хаёла ботди. Полвон қўшнисини ҳеч бу ахволда кўрмаган эди. Сабр билан гап бошлашини кутди. Аёл эса бошини кўтариб, нарироқда машинасини юваётган полвоннинг катта ўғлига тикилиб қолди. У бир оз оксарди. Аёл тикилиб турди-турди-да, деди:

– Негадир чўлоқларни жиним суймайди... Райим чўлоқнинг қизини ҳам келин қилишни истамовдим. Ўғлим суйди. Отаси чўлоқ, қизи эмас-ку, деганидан кейин қийолмадим. Бекор қилганман...

Полвоннинг ранги оқариб кетди. Бу хотин унинг энг оғриқли жойига урарди. Нега? Ўғлини кўрсатмаган шифокор, табиб қолмаган... Аммо нега бу аёл эрта-

лабдан унинг хонадонига кириб, полвонни шафқатсизлик билан пичоқсиз сўйяпти? Аёлни уйдан ҳайдаб солгиси келди.

– Опа, Аллоҳнинг берган дарди-да, ҳаммани ҳам сиздек бекам яратмаган.

Аёл ўша-ўша совуқ нигоҳларини йигитдан узмай, тишларининг орасидан дона-дона қилиб деди:

– Баъзан номусли эркаклардан номуссиз ўғиллар ҳам туғилади. Шунга айтишга кирдим.

Бу гапдан полвон бир сапчиб тушди ва ўғлини энди кўраётгандек тикилиб қолди...

Полвон дарвозага етган аёлнинг ортидан ҳарсиллаб борди. Қизариб-бўғриқиб деди:

– Опа, бундан бўён мен тирик эканман, кимса остонангиздан рухсатсиз хатламайди...

– Кеч, энди кеч... полвон, жуда кеч. Ишонган тоғларим қулаб кетди, остонамга номард оёқ қўйиб бўлди.

АКА-УКА

Отам оғирлашиб қолдилар. Дарҳол амаким етиб келдилар. Йиллар амакимга ҳам аллақачон ҳукмини ўтказиб бўлган. Отамдан ўн ёш кичик бўлсалар ҳам соч-соқоллари қордек.

Ҳаммамиз отам атрофида тизилиб ўтирибмиз. Амаким келганини сезиб, отам кўзларини хиёл очдилар. Лабларида табасумга ўхшаган нимадир сезилди. Бир-биримизга зимдан қараб қўйдик. Ичимда ўринсиз рашк уйғонди. Мен отамни қанчалар севаман, ахир. Келганимни билдириб ҳали оёқларини, ҳали қўлларини уқалайман. Бир боқиб қўйганлари йўқ. Укаларига эса...

Тонгда... Бу манзара кўзларимда муҳрланиб қолди. Икки қария, соч-соқоллари қордек икки қария юзларини юзларига босиб видолашарди.

– Ака, акажо-он, – боладек бўзлаётган амакимнинг кўз ёшлари оппоқ соқолларига оқиб тушди, отамнинг юмук кўзлари чети-дан ингичка йўл солиб кўз ёши сизди...

Ака-ука. Бири 85 ёшда, бири 75 ёшда. Шундай видолашдилар. Юрагим ўртанди. Кўпроқ нимадан ўртандим? Отамнинг вафотигами? Амакимнинг нолалариданми? Баъзан ўша «ака, акажо-он» деган нола қулоқларим остида жаранглаб кетгандек бўлади ва... юзларимга рўмолчамни босиб, ака-укани аниқ-тиниқ кўраман.

ОЧИЛГАН СЎҚМОҚ

Мен уни дарров танидим. Яшилтоб кўзлари, арғамчидек сочлари, жилғалар овозидек қикирлаган кулгисидан танидим. Бу ўша қиз.

Қишлоқдаги қўшнимиз Шерали ака келин туширди. Тўйдан кейин қутлашга бордим. Қиз бола палахмон тоши, деганлари шу-да. Олис шаҳарда яшайман. Мендан икки-уч ёшлар катта Шерали ака билан қадрдонимиз. Кўплаб тенгдошларимиз қатори болалигимиз, ўқувчилик йилларимиз далада ўтган. Шоира исми синфдошимни севарди. У ҳам севарди. Шерали қизариб-бўзариб унинг ортидан соядек эргашарди. Кулгиларимиз ошиқнинг қулоғига кирмасди. Бир-бирининг кўзига қаролмай турган икки ошиқни кула-кула кузатардик. Улар негадир бизни кўрмасди ҳам, эшитмасди ҳам. Гаплашганларини эшитмаган эканман. Қип-қизариб ҳадеб жингалак қора сочларини силаётган йигитча, бошини кўтаролмай турган ошиқ қиз...

Тақдир экан. Иккиси икки томонга кетдилар. Шоира оламдан ўтганини эшитиб, қаттиқ қайғурдим. Эри кўп ўтмай уйланди. Шу билан дугонам томонга олиб борадиган сўқмоқлар ҳам унутилди.

Шерали ака ҳозир ота ҳовлисида умргузаронлик қилади. Уларнинг ҳовлисига киришим билан қикирлаган кулгини эшитдим. Кейин мен томон келаётган келинчакнинг оқ шохи рўмол остидан тўпикларигача тушган қирқ кокилига кўзим тушди. Назокат билан таъзим қилди. Бирам нафис, бирам гўзал келинчак! Ўзимнинг келинимдек кўзимга ўтдек кўринди. Пешонасини тутди, ўпдим, кейин худди қадрдон кишисидек бағримга бош қўйса денг. Ҳаяжонланиб кетдим. Ким бу келинчак? Мени қаердан билади? Рўмолини бироз очиб, юзларига боқдим. Сутга чайилгандек тип-тиниқ юз, яшилтоб кўзлар... Шоира-ку! Вой, нималар деяпман, Шоиранинг қизи, унинг худди ўзи бўлибди. Кўзларимга тирқираб севинч ёшлари келди. Шерали ака бир четда мамнунлик билан ишшайиб турибди.

– Сиз... Сиз унинг бир парчасини, дилбандини бу хонадонга келтирибсиз-да, қандай яхши бўлибди, – дедим ҳаяжонимни яшира олмасдан.

– Ҳа, уни келтирдим, – деди Шерали ака келинини оҳистагина елкасидан тутиб, – бу энди менинг қизим.

Ҳаёт барибир гўзал. Чунки севги бор!

Инобат НОДИРШОҲ

ТЕХНОЛОГИЯ

Скафандр бу – сиз ўйлаганчалик оддий костюм эмас. У одам танасига мослаб яратилган «фазо кема»сининг ўзгинаси. Маълумотларга кўра, кийимнинг бу тури инсоният коинотни забт этишидан анча олдин пайдо бўлган. XX аср бошларида олимлар осмон ва бошқа планеталардаги муҳит Ерникидан кескин фарқ қилишини аниқладилар. Келажақда космик парвозлар муваффақиятли чиқиши ва одамни ўлимга олиб келувчи ҳолатдан ҳимоялаш учун костюм ихтиро қилиш кифоя эди.

Нимадан бошланган?

«Skafandr» сўзи французча бўлиб, 1775 йилда уни аббат-математик Жан-Батист де Ла Шапель ўз қўлёзмаларида келтирган. XVIII асрда фазога парвоз қилиш одамзотнинг ҳаёлида ҳам бўлмаган. Француз олими ғаввослар ускунасини шундай номлашни таклиф қилди. Грек тилидаги тахминий таржима «қайиқ-одам» бўлиши мумкин. Рус олимлари томонидан бошланган космик тадқиқотлар даврида ишлатилганлиги сабабли у аксарият тилларда «скафандр» бўлиб сақланиб қолади.

Инсон баландликка талпинган сари бу костюмга бўлган эҳтиёжи орта бошлади. 6-7 километр баландликда унга иссиқ кийим ва кислород ниқоби бўлса кифоя эди. Аммо 10 километрлик баландликда босим юқорилагани сабабли инсон организми ҳам кислородни ўзлаштиролмай қолади. Бундай шароитда жон сақлаш учун герметик кабина ва ташқи босим ўрнини босувчи махсус костюм лозим эди.

Аммо бундан ҳам юқори нуқтани забт этиш учун ҳеч қандай кабина фойда бермасди: учувчи кислород танқислиги оқибатида ҳалок бўлади. Ягона ечим скафандрни мутлақ герметик қилишдан иборат. Шундагина доимий ички босим етарли даражада таъминланиши мумкин. Аммо шиширилган скафандр ҳаракатни чеклайди, унинг ичида манипуляцияни кескин амалга оширишнинг имкони йўқ.

Инглиз физиолог Жон Холден 1920-1921 йилларда махсус ғаввослар кийими ҳавода парвоз этувчилар учун ҳимоя воситаси бўлиши мумкинлиги хусусида бир қатор илмий-оммабоп мақолалар чоп этди. У ҳаттоки, америкалик фазогир Марк Риж учун худди шундай кийимнинг махсус нусхасини яратишга муваффақ бўлади.

Ўтказилган тажриба давомида Марк Риж махсус барокамера билан (атмосфера босимини сунъий соловчи герметик камера) 25,6 км.лик баландликни забт этади. Аммо стратосферани забт этиш учун Рижга маблағ етмади: аэростада парвоз қилиш доимо қиммат бўлган, шу тарика Риж ўз рекордини Холден костюми ёрдамида янгилай олмади.

Ҳозирги скафандрда ишлатилган жиҳозларни рус олими Евгений Чертовский 1936 йилда Ч-3 номи костюми орқали ихтиро қилади. Оғир бомбардион «ТБ-3» да ўтказилган тажриба муваффақиятли яқунланди.

СКАФАНДР – ЭНГ ҚИММАТ КИЙИМ(МИ?)



Биринчи парвоз

1950-йилларда рус инженер-конструкторлари ўша машҳур «Восток» номи биринчи космик кема лойиҳасини ишлаб чиқди. Бунга кўра, «кема» одамни скафандрсиз фазога олиб чиқиши лозим эди: учувчи герметик контейнерга жойлашади, қўниш пайтида эса махсус аппарат ёрдамида контейнер ташқарига ажралиб чиқади. Бу илмий тажрибаларни талаб этарди. Кўп вақт ўтмай Сергей Королев (рус академиги, космик ракеталар тизими конструктори) бюроси 1960 йил август ойида «Восток»нинг ичини қайта жиҳозлади, оғир контейнер ўрнини катапульталовчи кресло эгаллади. Ана шундан сўнг скафандрга эҳтиёж сезилди. Қисқа вақт ичида рус олимлари скафандр ичини ҳаёт учун зарур бўлган тизим билан жиҳозлашга муваффақ бўлдилар.

Астронавтни ёки космонавт?

Космонавт рус олимлари томонидан яратилган космик кемаларда парвоз этади.

Астронавт эса америкаликлар ихтиро қилган ракеталарда учувчи фазогир.

Ўша пайтлар «Су-9» қирувчи самолётнинг учувчиси қиядиган «Воркута» костюми асосида СК-1 скафандри ихтиро қилинди. Шлем буткул ўзгартирилди: унга босимни ўлчовчи ва бошқарувчи механизм ўрнатилди.

Ҳар бир космонавт учун индивидуал кийим тикилиши лозим эди. Биринчи космик парвозда йигирма кишилик отряд учун мустақкам ва хавфсиз кийим яратишга анча вақт кетиши аниқ.

Махсус тест ва топшириқлар асосида бунга 6 киши саралаб олинди. Сўнгра биринчи учлик ажратилди: Юрий Гагарин, Герман Титов, Григорий Нелюбов. Скафандр биринчи навбатда улар учун ишлаб чиқилди.

СК-1 скафандрида биринчи бўлиб космосга одам эмас, «Иван Иванович» лақабли инсон организмни такрорловчи манекен «Восток» космик кемасининг сино парвозларидан бирида муваффақиятли учирилди. Ҳар эҳтимолга қарши «Макет» деган ёрлик манекен бўйнига олиб қўйилди.

СК-1 скафандри ёрдамида коинотга беш марта училди. Биринчи аёл космонавт Валентина Терешкова учун махсус СК-2 скафандри ҳам тайёрлангани ҳақида маълумотлар бор.

Четда қолишни истамаган америкаликлар коинотни забт этишда ортда қолгилари келмагани рости. Америкалик конструкторлар «Меркурий» дастури бўйича яратган капсула орбитага етиб боради ҳолос. Ҳарбий денгиз авиацияси учун Рассел Колли томонидан ихтиро қилинган Navy Mark IV скафандри ўзининг вази ва ихчамлиги билан ажралиб туради. «Меркурий» капсуласи ўзининг мустақамлигини биринчи парвоз пайтидаёқ исботлади. Ягона муваффақиятсизлик янгиланган «Меркурий 4»нинг сувга қўниши пайтида содир бўлади. Астронавт Вирджил Гриссом скафандрнинг ҳаётни таъминловчи тизимидан ўзини базўр ажратиб, тирик қолади.

Коинотга саёҳат...

Коинот забт этилди... Галдаги мақсад – скафандрнинг очик коинотда автоном ишлашини таъминлашдан иборат бўлди. 1965 йилга келиб «Жемини» парвоз дастури асосида G4C герметик скафандри ихтиро қилинади. Унга уланган ELSS ҳаётни таъминловчи автоном тизим қувватли очик коинотда ярим соат муаллақ парвоз қилиш учун етарли эди.

1965 йил 3 июнь куни америкалик космонавт Эдвард Уайт очик коинотга чиққани АҚШ тарихи саҳифаларига муҳрланди. Аммо у очик коинотни забт этган биринчи одам бўла олмади. Унинг парвозидан 2 ой олдин рус космонавти Алексей Леонов «Восход-2» да коинот кенгликларидан учган биринчи сайёҳ бўлди.

Леоновнинг оламшумул парвози учун махсус «Беркут – 2» скафандри ишлаб чиқилди. Икки қават герметик қобик, ёриткичлар билан жиҳозланган шлем ҳамда 45 дақиқага етувчи кислород баллони очик коинотда парвоз учун шай ҳолатда келтирилди. Конструкторлар эҳтиёт чораларини ҳам қўллашди: етти метрлик махсус арқонга кислород етказувчи захира шланги ва электр узатгичлар скафандрга уланди.

«Восход – 2» космик кемаси 1965 йил 18 март куни коинот томон парвоз қилди. Стратосфера қобилини кесиб ўтгач, Алексей Леонов бортни тарк этди. Шу заҳотиёқ экипаж бошлиғи Павел Беляев бутун дунёга:

«Дикқат! Одам космосда!» деб хабар берди. Ер шари фонидаги астронавт расми бутун дунё бўйлаб барча телеканаллардан узатилди. Леонов бўшлиқда 23 дақиқаю 41 сония парвоз қилди.

Америкалик олимлар биринчиликни бериб қўйган бўлса ҳам, коинотга парвозлари сони бўйича ўз рақибларини йўлда қолдиришди. Рус астронавтарининг очик коинотга кейинги сафари 1969 йилдагина амалга оширилди. Шу йилнинг ўзида америкаликлар Ойга қадам қўйишди.

Вакуумдаги рекордлар

Бу пойгада рус фазогيري Анатолий Соловьев кўп йиллардан бери етакчи бўлиб турибди. 16 маротаба очик коинотга чиққан космонавт чексизликда 78 соату 46 дақиқа вақт ўтказган. Америкалик Майкл Лопес-Алегрриа эса 10 чиқишда 67 соату 40 дақиқа вакуумда саёҳат қилган.

Бўшлиқда энг узоқ давом этган парвоз эса америкаликларга тегишли. Джеймс Восс ва Сьюзан Хелмс 2001 йил 11 март куни 8 соату 56 дақиқа давомида фазода бўлган.

Бир парвознинг ўзида 7 маротаба коинотга чиққан рус космонавти Сергей Крикалёв бу борадаги рекордлар «Йўини»да яққол етакчи бўлиб турибди.

Умумжамоа ҳисобида биринчилик америкаликларга тегишли: кема ташқарисида 224 парвоз, 1 365 соату 53 дақиқа.

Ойда изи қолган скафандр

Ой Ер орбитасидан мутлақо фарқ қилади. Ойда ишлатиладиган скафандрдан тўлиқ автономлик талаб этилади. «Аполлон» фазо кемаси дастури бўйича A5L скафандри муваффақиятсизликка учради. Унинг янгиланган версиясига A6L ўзгартириш киритилди. Иссиқлик изоляцияси қобиғи қуёш нурларидан астронавтарни ҳимоя қилиши керак эди. Аммо уни очик космосда синаш даврида «Аполлон-1» кемасида ёнғин содир бўлиб, 3 нафар етакчи астронавт ҳалок бўлди.

Кейинги авлод скафандри A7L мукаммаллаштирилди. Оловдан ишончли ҳимоя тизими ҳамда қўшимча ҳаётни таъминловчи тизим Ойда 4 соатлик ҳаракатланиш хусусиятини берди. Айнан A7L скафандрида америкалик астронавтар Нил Армстронг ва Элвин Олдрин 1969 йил 21 июль куни Ойга илк қадам қўйишди.

Очик коинот учун мўлжалланган скафандрнинг нархи қанча? НАСА томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, улар томонидан қўлланиладиган скафандрнинг нархи 12 миллион долларга тенг.

Келажақ скафандрлари

Америкалик олимлар кўп марталик «Спейс Шаттл» космик кемаси дастури асосида бир неча мукаммал скафандрлар яратишга эришди. Ҳозирги кунда Халқаро космик станцияда фазогирлар асенолида ЕМУ скафандри ишлатиб келинмоқда. Унинг илк парвози 1983 йили «Челленджер» кемасида амалга оширилган. Ушбу скафандрнинг мукаммаллиги шундаки, ундаги барча тизимлар фазода 8 соатлик фаолият олиб бориш учун хизмат қилади. Ярим соатлик захира механизми ҳамда хавфдан огоҳлантирувчи махсус сенсорлар келажақ скафандрлари яратилишига, барча орзу қилган Марс сайёрасини ўрганишга туртки бўлишига умид уйғотмоқда.

Скафандри яратиш технологияси асрлар ўтса ҳам тўхтаб қолмаслиги аниқ. Яратилажақ костюмлар ихчам, мукаммал бўлиши инкор этиб бўлмайдиган факт, буни фақатгина вақт кўрсатади.

Ч. РАИМБЕРДИЕВ
тайёрлади.

ЧЕТ ЭЛ АРМИЯЛАРИДА

ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ КУЧ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ОТЛИҚ ВА КАВАЛЕРИЯ ҚИСМЛАРИ

“ Ҳозирги даврда кўплаб давлатларнинг куч тузилмалари таркибида нафақат турли қуроллар ва жанговар техника билан таъминланган механизациялашган ҳарбий қўшилмалар, балки отлиқ ҳамда кавалерия бўлинмалари ва қисмлари ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан расмий давлат тантаналарида иштирок этади. Шунингдек, улардан фавқулодда вазиятлар юзга келганда ва муайян жанговар вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиш мумкин.



Европанинг баъзи мамлакатларида монархия тузуми сақланиб қолганлиги сабабли бу давлатларда монарх (давлат раҳбари)нинг отлиқ кавалерия эскортисиз бирон жойга бориши унинг статуси (ҳуқуқий мавқеи)га тўғри келмайди, деб ҳисобланади. Кўплаб демократик давлатларнинг раҳбарлари ҳам турли расмий ва тантанали маросимларда отлиқ гвардиячилар ёки отлиқ полиция бўлинмалари иштирок этишига қаршилик қилмайди. Ўзига хос гўзаллиги ва жозибадор хатти-ҳаракатлари кишини лол қолдирувчи отлар билан таъминланган бундай бўлинмаларнинг иштироки ҳар қандай тантанаяга кўрк бағишлайди.

Айниқса, миллий аъёнлар ҳамда тарихий урф-одатларга қатъий амал қилинадиган **Буюк Британияда** бу масалага алоҳида ва жиддий эътибор қаратилади. Мамлакат Қуролли Кучлари таркибига дивизия кўринишидаги қироллик отлиқ гвардияси ҳам киритилган бўлиб, у қўйилган жанговар вазифаларни Қуруқликдаги қўшинларнинг бошқа қисмлари билан тенг равишда бажариши мумкин. Бунинг учун гвардиячи ҳарбий хизматчилар ҳам бошқалар билан бир қаторда жанговар тайёргарликдан ўтади, шунингдек, улар нафақат тантаналар учун мўлжалланган махсус форма, балки умумқўшин дала формаси билан ҳам таъминланади.

Гвардия дивизияси 2 та отлиқ ва 5 та пиедалар полкидан ташкил топган. Узоқ 1661 йилда қирол Карл II нинг махсус кўрсатмасига мувофиқ шакллантирилган отлиқ гвардия бугунги кунда ҳам монархларни қўриқлаш ва давлат миқёсидаги тантаналарда иштирок этиш, шунингдек, қиролнинг расмий давлат ташрифлари вақтида эскорт вазифаларини бажаришни давом эттирмоқда.

Кавалерия таркибидан лейб-гвардия отлиқ полки (қизил мундир, қишда эса қизил нақидка) ва гвардиячи отлиқ қироллик полки (кўк мундир, қишда кўк нақидка) жой олган. Ҳар икки полк ҳам фақат қора рангли отлардан фойдаланади. Оркестр (трубачилар) эса кулранг отларда ҳаракатланади.

Кундузги вақтларда отлиқ гвардиячилар Лондоннинг Уайтхолл кўчасидаги

ўз казармалари биноси олдида посбонлик қиладилар. Гвардиячиларнинг ягона қуроли – палаш, яъни узун ва оғир қиличдан иборат. Қизиқарли томони шундаки, посбонлар ҳар соатда алмаштирилади, чунки от ўзининг физиологик хусусиятларига кўра 1 соатдан ортиқ вақт мобайнида бир жойда ҳаракатсиз тура олмайди. Жуда чиройли тарзда ўтадиган мазкур хизмат кўпроқ рамзий характерга эга бўлиб, доимо хорижий сайёҳлар, пойтахт меҳмонлари ва маҳаллий аҳолида катта қизиқиш уйғотади.

Францияда император Наполеон Бонапарт ҳукмронлик қилган даврларда асос солинган республика гвардияси таркибидан отлиқ бўлинмалар ҳам жой олган бўлиб, улар ҳозирда алоҳида гвардиячи қисм кўринишига келтирилган ва Париж марказидаги қадимий казармаларга жойлаштирилган. Бу гвардия миллий жандармерия таркибига киради ва мамлакат Президенти ҳамда Бош вазир резиденциялари, миллий ассамблея ва ҳ.к. хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаради. Отлиқ гвардия бўлинмалари давлат миқёсидаги тантанали тадбирлар, шу жумладан Франция Президентининг юқори мартабали меҳмонларни қабул қилиш маросимлари ва ҳарбий парадларда мунтазам равишда иштирок этиб келади. Республика гвардияси таркибидан Қуролли Кучларнинг турли бўлинмалари, шу жумладан, француз армияси хори, мотоциклчилар фахрий эскорти, 3 та кавалерия эскадрони ва ноёб отлиқ оркестр жой олган.

Мамлакат хавфсизлик вазирининг қарорига кўра, республика гвардияси оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида миллий жандармерия зиммасига юкланадиган вазифаларни ҳал қилишда кўмаклашиши, кўчаларда тартиб сақланишида иштирок этиши, ўрмон массивларида назорат ишларини амалга ошириши, миллий ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда мотоциклчилар эскортини таъминлаши ва кўплаб бошқа топшириқларни бажариши мумкин.

Швеция қироллик гвардиясининг шаклланиш тарихи XVI аср бошларига бориб тақалади. У ҳозирда мамлакат армиясининг Қуруқликдаги қўшинлари таркибига киритилган бўлиб, лейб-гвардия қироллик полки кўринишига келтирилган ва пойтахт Стокгольм шаҳрида жойлашган. Мазкур полк таркибидан бир неча пиедалар ротаси, кавалерия эскадрони ва таъминот бўлинмалари жой олган. Гвардиячилар Стокгольмдаги қирол саройи ва унинг шаҳар ташқарисидagi резиденциясини қўриқлайди. Ҳар йили апрель-май ойларида ўтказиладиган соқчиларни алмаштириш маросимида отлиқ кавалериячилар иштирок этади. Бу маросим ҳар кун туш вақтида ўтказилади. Ўзига хос кўринишдаги мазкур тадбир доимо хорижий сайёҳлар, пойтахт меҳмонлари ва маҳаллий аҳоли эътиборини ўзига жалб этиб келади.

Бельгия федерал полицияси таркибида отлиқ ва мотоциклчилар бўлинмаларидан ташкил топган махсус қироллик эскорти мавжуд. Мамлакат қироли иштирок этадиган тадбирларда 130 нафар кавалериячидан иборат бўлган отлиқлар гуруҳи қатнашади.

Дания, Испания, Марокаш, Таиланд, Малайзия, шунингдек, Осиё, Африка, Европа ва Лотин Америкасининг бошқа бир қатор мамлакатлари Қуролли Кучлари таркибида ҳам фахрий отлиқ эскорти ролини бажарувчи кавалерия бўлинмалари ташкил этилган.

(Давоми бор)

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



АҚШнинг Атлант шаҳрида оммавий тартибсизликлар тўхтамаётгани сабабли фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Жоржия штати губернатори Браян Кемпнинг

фармониға мувофиқ, тартиббузарларга қарши курашиш учун шаҳарга Миллий гвардия ҳарбийлари киритилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур штатда бир неча ҳафтадан буён оммавий тартибсизликлар ва зўравонликлар тўхтамаяпти, аксинча борган сари кўчайиб бормоқда. Масалан, ўтган якшанба кўни содир этилган отишма оқибатида 30 киши жароҳатланган, улардан беш нафари вафот этган.

ЛУВР ЭШИКЛАРИНИ ОЧДИ



Коронавирус эпидемияси туфайли қарийб тўрт ойдан буён фаолият юритмаётган дунёдаги энг машҳур музейлардан бири – Париждаги Лувр музейи яна санъат ихлосмандлари ва сайёҳларга ўз эшикларини очди. Францияда карантин чоралари биров юмшатиладиган кейин май ойида дастлаб кичикроқ музейлар иш бошлаган, йирик музейлар эса июнда очилган эди. Лувр уларининг энг сўнггиси бўлди. Маълумотларга кўра, ўтган йили Луврга 9,6 миллион сайёҳ ташриф буюрган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БОШҚА МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗИЛМАЙДИ



Корея марказий телеграф агентлигининг хабар беришича, Шимолий Корея АҚШ билан ҳеч қандай музокаралар олиб бормайди. Бу ҳақда КХДР

Ташқи ишлар вазирлигининг Қўшма Штатлар ишлари бўйича раҳбари Гвон Чон Гин маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, икки мамлакат ўртасида яна бир саммит ўтказилиши тўғрисидаги миш-мишлар асоссиз ва КХДР ўз позициясини 2018 ва 2019 йилда ҳар икки давлат раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган музокараларда аниқ ифодалаб берган.

МИРОВЫЕ БРЕНДЫ

ТРАНСНАЦИОНАЛЬНАЯ КОМПАНИЯ «БАЭ СИСТЕМЗ»

Одна из самых экономически развитых стран мира – Великобритания имеет развитую военную промышленность, способную удовлетворить текущие потребности национальных Вооруженных сил практически во всех видах вооружений и военной техники (ВВТ). Военная промышленность страны представлена как частными, так и государственными компаниями. К числу крупных корпораций и финансово-промышленных групп относятся «БАЭ системз», «Роллс-Ройс», ГКН, «Чемринг групп» и др.

Транснациональная корпорация (ТНК) «БАЭ системз» по номенклатуре производимой продукции является наиболее значимым и крупным военно-промышленным объединением. Корпорация имеет разветвленную сеть дочерних компаний за рубежом, в том числе в США, Швеции, Саудовской Аравии, Израиле, Омане, Австралии и др. Всего у нее в более чем 40 странах есть 188 офисов, представительств, дочерних компаний и заводов. Наибольшее их количество находится в самой Великобритании (61), США (106) и Австралии (12). Общая численность занятых в военном и гражданском секторах ТНК «БАЭ системз» около 82,5 тыс. человек, 34,6 тыс. из которых работают в Великобритании, 29,5 тыс. – в США, до 6,2 тыс. – в Саудовской Аравии, 3,1 тыс. – в Австралии, более 1,1 тыс. – в Швеции. В других странах она суммарно составляет 8 тыс. человек.

Продукция военного назначения (ПВН) имеет весомую долю в общем объеме продаж корпорации. Так, в 2017 году объем продаж составил 19,6 млрд фунтов стерлингов, из которых почти 14,8 млрд (75,5 проц.) пришлось на ПВН (включая производство, техническое обслуживание и ремонт ВВТ. К другим важным сферам деятельности ТНК относятся оказание услуг в области информационной безопасности и защиты персональных данных, а также производство радиоэлектронного оборудования в гражданском секторе. В составе продукции военной промышленности лидирующее место занимает авиационная и морская техника, за ней следуют радиоэлектронное оборудование и наземные вооружения.

Организационная структура корпорации «БАЭ системз» формировалась в течение 15 лет. Холдинг с таким названием был создан в 1999 году путем слияния компаний «Бритиш аэроспейс» (гражданская и военная авиационная техника) и «Маркони электроник системз» (радиоэлектронная продукция). Позже в состав корпорации вошли такие компании, как «Бритиш эркрафт» – производитель сверхзвукового пассажирского лайнера «Конкорд», «Ярроу шипбилдингс» – производитель военных кораблей для ВМС страны, «Виккерс шипбилдинг энд инжиниринг» – производитель подводных лодок для королевского флота. В дальнейшем «БАЭ системз» приобрела таких гигантов военной промышленности, как «Юнайтед дифенс»



(боевые бронированные машины, полевая и корабельная артиллерия, пусковые установки), и «Армор холдинг» (ББМ, экипировка для силовых структур и средства самообороны). Купив в 2004 году компанию «Роял орднанс», «БАЭ системз» фактически монополизировала в Великобритании производство боеприпасов для артиллерии и стрелкового оружия.

Корпорация ведет активную деятельность по производственному и научно-техническому сотрудничеству с крупными компаниями по всему миру. Среди них итальянская транснациональная корпорация «Леонардо» (бывшая «Финмеканика»), индийская фирма «Махиндра» и американская «Сигнал инновейшн групп». Это позволило «БАЭ системз» не только получить доступ к передовым зарубежным технологиям, но и существенно укрепить свои позиции на рынках других стран.

В результате проведенных мероприятий структурно ТНК «БАЭ системз» стала представлять собой многоуровневую холдинговую компанию, входящие в нее учреждения объединены в дочерние холдинговые фирмы или являются отдельными дочерними компаниями прямого подчинения. Всего в ТНК объединены 156 компаний. Наибольшая их часть (108 компаний) входит в состав военного сектора. Все военно-промышленные компании ТНК «БАЭ системз» по принадлежности являются частными. По месту регистрации они делятся на национальные и зарубежные.

«БАЭ системз» имеет долевое участие в 17 военно-промышленных компаниях за рубежом. В Швеции находятся четыре компании, в Германии – три, во Франции и Турции – по две, а в США, Индии, Саудовской Аравии, Нидерландах и Финляндии – по одной. Долевое участие ТНК в них от 20 до 50 процентов.

Корпорация имеет предприятия во всех отраслях военной промышленности Великобритании, кроме ракетно-космической. Вместе с тем ряд ее заводов входит в состав франко-британско-итальянской компании МБДА (37,5 проц. акций),

производящей продукцию именно этой отрасли. В собственности компаний ТНК «БАЭ системз» (100 проц. капитала или контрольный пакет акций) находятся предприятия военной промышленности Великобритании. Из них наибольшее количество относится к судостроительной и радиоэлектронной отраслям.

На основных сборочных предприятиях ТНК «БАЭ системз», находящихся в разных городах страны, налажен выпуск таких ПВН, как тактические ракеты класса «воздух-воздух» типа ASRAAM AIM-132, противотанковые управляемые ракеты MBT LAW (NLAW), зенитные управляемые ракеты малой дальности «Рапира» и «Си Вульф», тактические ракеты класса «воздух-поверхность» типа «Сторм Шэдоу», тактические истребители «Тайфун», танки «Челленджер-2» и «Виккерс» Mk3, боевые бронированные машины MLV «Пантер» и «Пирания-2», 155-мм самоходные артиллерийские установки M109A1, 155-мм гаубицы типа M777 (UFG), 105-мм гаубицы-пушки L-118/119, атомные многоцелевые подводные лодки типа «Эстэют» и т.д.

Таким образом, в результате ряда слияний и поглощений, происходивших на протяжении последних 20 лет, «БАЭ системз», имея сложную организационную структуру, стала крупнейшей частной корпорацией с дочерними компаниями и отделениями по всему миру. Доминирующими отраслями военной промышленности ТНК на территории Великобритании являются авиационная, бронетанковая, артиллерийско-стрелковая и судостроительная. На их предприятиях выпускаются истребители-бомбардировщики, штурмовики, ББМ и бронированная инженерная техника, орудия полевой артиллерии и крупнокалиберные пулеметы, корабли и суда практически любого назначения (от атомных подводных лодок и авианосцев до сторожевых кораблей и катеров).

По материалам зарубежной печати
подготовил С. ПУЛАТОВ

МИССИЯ ТУРКМЕНИСТОНГА КЕЛДИ



Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти миссияси шу кунгача коронавирус пандемияси қайд этилмаган Туркменистонга махсус текширувлар ўтказиш

учун ташриф буюрди. Беш нафар экспертдан иборат бўлган делегация бу мамлакатда 10 кун давомиди иш олиб боради. Халқаро ташкилот эксперт ва эпидемиологлари соғлиқни сақлаш соҳасининг бир қатор мансабдор шахслари ва мутахассислари билан учрашувлар ўтказиши, турли даражадаги тиббиёт муассасалари ва лабораторияларга ташриф буюриши режалаштирилган.

ҲУКУМАТ ҚАРОРИГА КЎРА



Афғонистон ҳукумати АҚШ ва «Толибон» ҳаракати ўртасида имзоланган келишувга мувофиқ, озод этилиши лозим бўлган 5 000 нафар толиблар рўйхати

га киритилган 597 киши қамоқхоналардан чиқарилмаслигини маълум қилган. Маълумотларга кўра, уларнинг аксарияти ўта оғир ва ахлоқий жиноятлар (шу жумладан қотиллик) содир этилгани учун турли муддатларга ҳукм қилинган. Шу вақтгача мамлакат ҳукумати келишув бўйича 4 000 нафар, толиблар эса битимда кўрсатилган 1 000 кишидан 616 нафарини озод қилган.

ЁРДАМ БЕРИШ МАҚСАДИДА



Қозоғистон Бош вазири Аскар Мамин ва Россия ҳукумати раиси Михаил Мишустин ўртасидаги келишувга мувофиқ, россиялик тиббиёт ходимлари гуруҳи

коронавирус инфекциясига қарши курашда қозоғистонлик ҳамкасбларига ёрдам бериш мақсадида Нур-Султон шаҳрига етиб келди, деб хабар қилади Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати. Маълумотларга кўра, 32 кишидан иборат бўлган мазкур гуруҳ таркибидан эпидемиолог, вирусолог ва бошқа тиббий йўналишлар мутахассислари жой олган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЖАРАЁН

Жорий йилнинг июнь ойида Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент вилоятининг Чиноз туманида жойлашган Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисмда Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда оммавий сайёр қабул ўтказилган эди.

Унда жалб этилган Чиноз тумани ҳокимлиги, мактабгача таълим ва ҳалқ таълими бўлими, бандликка кўмаклашиш ва давлат хизматлари марказлари, мажбурий ижро бюроси,

МУРОЖААТЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА



ички ишлар ва банк ходимлари билан биргаликда 70 нафар ҳарбий хизматчи ва улар оила аъзоларининг мурожаатлари тингланиб, яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга қўйиш, турмуш ўртоқларини иш билан таъминлаш ва хизмат жойига янги келган ҳарбийларнинг фарзанд-

ларини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш мазмунидagi жами 3 та мурожаат жойининг ўзида ижобий ҳал этилиши таъминлангани ва 17 та мурожаатни ҳал қилиш юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берилганди.

Кунни кеча Тошкент ҳарбий

прокуратураси томонидан Чиноз тумани прокуратураси ҳамкорлигида ушбу мурожаатлар натижасида амалга оширилган ишлар ўрганилди.

Яқунда фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан Чиноз туманининг бандликка кўмаклашиш маркази, туман мактабгача таълим бўлими ва бошқа масъул ташкилотларнинг кўрилган чора-тадбирлари бўйича ахборотлари эшитилди.

Эътиборлиси, мурожаатларнинг аксарияти ижобий ечимини топган бўлиб, бу натижа албатта, кишини қувонтиради. Учрашувда бу каби тадбирларни келгусида жадал давом эттириш ҳақида келишиб олинди.

**Адлия подполковниги
Дилшод БАЙКУЗИЕВ,
Тошкент ҳарбий
прокурорининг ёрдамчиси**

Ҳамкорлик меморандуми

**ҳуқуқий онг ва маданиятни
юксалтиришга хизмат қилади**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ҳарбий суди ўртасида Миллий гвардия тизимида ҳарбий хизматни ўтаётган Ватан ҳимоячиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш бўйича ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ушбу меморандум Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Мудофаа тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий аъёна ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий армиямиз сафларида ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи ва Ватан тақдири, юрт тинчлиги ва ҳимояси йўлида бор салоҳияти билан масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни бирлаштириш, ҳуқуқий тарғибот, таълим-тарбия борасидаги ишларни тизимли ва узвий олиб боришга хизмат қилади.

Томонлар мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёни билан ҳарбий хизматчиларни яқиндан таништириб бориш; уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш; ҳуқуқий онги ва маданияти, билимлари ва масъулиятини мунтазам ошириб бориш; ҳуқуқий тарғибот, таълим ва тарбия борасидаги ишларнинг тизимли ва узвий олиб борилишини таъминлаш; ҳарбий қисмларда, айниқса олий ҳарбий таълим муассасалари, ўқув марказлари ва «Темурбеклар мактаби»да тахсил олаётган ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширадиган.

**Музаффар МУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий судининг малака ҳайъати котиби**

«Олмачи»да янги кутубхона

Марказий ҳарбий округнинг Жиззах гарнизонига қарашли ҳарбий қисм тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими ҳамда Жиззах шаҳридаги «Олмачи» МФЙ билан ҳамкорликда янги кутубхона ташкил этилди.




Юздан ортиқ китоб фондига эга бўлган ушбу зиё маскани «Ёшлар ойлиги» муносабати билан олмачиликлар учун аталган чинакам байрам тўхфаси бўлди. Эндиликда бу файзли иншоотда китобхон ёшлар, маҳалла аҳли ва ҳарбий хизматчиларга беминнат хизмат кўрсатилади. Кутубхонада замонавий ва мумтоз адабиётнинг энг сара намуналари, хорижий ва ўзбек ижодкорлари, ёзувчи-шоирлар, таржимонларнинг дурдона асарларини севиб мутолаа қилиш мумкин. Бунинг учун барча шароитлар яратилган.

Президентимиз томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуснинг тўртинчи йўналиши ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Мазкур маънавият маскани ҳам ёш авлодининг дунёқараши-ни кенгайтириш, тафаккурини бойитиш ва юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Д. РЎЗИҚУЛОВ



MATEMATIKA OLAMI



Hikmatlar xazinasasi



LIBOSI GO'ZAL KAPALAK



Karam kapalagining oppoq, qora xolli ko'yilagi bor ekan. «Naqadar xunuk!» – xafa bo'lar ekan Kapalak.

– Mening boshqa birovlardan nima kamim bor? Yo'q, bu holat boshqa davom etishi mumkin emas, – deb o'ylar ekan.

Karam kapalagi o'zi tug'ilgan karam boshidan ko'tarilibdi-da, poliz va bog' ustidan parvoz qilibdi.

Yam-yashil yaylovda ko'm-ko'k chuchmoma gul ochilib turardi. Kapalak uning yoniga qo'nibdi va unga:

– Chuchmomajon-Chuchmoma, menga biroz ko'k rangingdan beraqol, – deb yalinibdi.

– Olaqol, menda kamayib qolarmidi? Menga bu rangimni osmon yana hadya qiladi-da, – debdi Chuchmoma jaranglab.

Shoxlari yoyilib turgan olma daraxtining tagida sapsariq Momaqaymoq ochilib turardi. Kapalak uning ustiga qo'nib, unga:

– Momaqaymoqqinam, sariq rangingdan menga biroz beraqol, – deb yolvoribdi.

– Marhamat, olaqol, men qizg'anmayman.

Menga Quyoshbobo mana shu rangni yana hadya qiladi, – debdi unga Momaqaymoq.

Kapalak o'zidan behad xursand bo'lib, Ninachining oldiga uchib borib, uning atrofida hadeb aylanib uchaveribdi, go'yoki unga:

– Menga bir qarab qo'y, endi men judayam chiroyli bo'lib qoldim, naqadar yaxshi – dermish. Ninachi esa unga qarab-qarab:

– Yo'q, bu yerda qandaydir xatoga yo'l qo'yilibdi...

Karam kapalagi oppoq, go'yoki qordan yengil, bulutdek parvoz qiladi. Bamisoli raqqosadek. Sen-chi, unga o'xshamaysan. Aslo o'xshamaysan.

«U shunchaki menga hasad qilyapti», deb o'ylabdi Kapalak va Qo'ng'izning oldiga uchib ketibdi. Biroq na Qo'ng'iz, na boshqa Kapalak, na mehribon Xonqizi – birorta ham hasharot Karam kapalagining yangi libosini tan olishni xohlamabdilar. Ular: "Sen avval ko'zgudagi aksingga bir boqib ko'r, keyin esa o'zingni Karam kapalagi degin", debdilar.

Nachora, Karam kapalagi uyiga qaytibdi. U endigina Karam boshiga qo'nmoqchi bo'lganida Karam baqirib-chaqirib:

– Hoy, sen, qaroqchi! Bu sening joying emas, bu Karam kapalagining uyl, – debdi.

Kapalakka alam qilib, yig'lab yuboribdi. U uzoq vaqt yig'laganidan uning ko'z yoshlari g'aroyib libosini butunlay yuvib ketibdi.

Nihoyat Kapalak o'zganing libosi unga yarashmaganini, begonalarga hasad qilish – nodonlik ekanini, faqat o'z libosi – eng chiroyli libos ekanini tushunibdi.

"Ertaklar – yaxshilikka yetaklar"
kitobidan olindi.

БУ ҚИЗИҚ

Олимпия ўйинлари XIX асрда эмас, балки Қадимги Юнонистонда, антик даврдаёқ ўтказилган. Ўйинлар юнонлар муқаддас жой деб ҳисоблаган Олимпияда милoddан аввалги 776 йилдан то эрамининг 393 йилигача 293 мартаба ўтказилган. Ўйиннинг Олимпия дея номланиши жой номидан келиб чиққан.



Замонавий Олимпия ҳара-катининг тарихига эса 120 йилдан ошди (1896 йилда Олимпия ўйинларини қайта тиклаш бўйича Конгресс ўтказилган). Қадимги Олимпия ўйинлари тарихи минг йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олади. Бугун биз сизларга Қадимги Юнонистонда ўтказилган Олимпия ўйинлари ҳақида қизиқарли фактлардан бир нечасини келтириб ўтмоқчимиз.

● Биринчи Олимпия ўйинлари милoddан аввалги 776 йилда бўлиб ўтган. Бироқ кўпчилик тарихчиларнинг фикрича, Олимпиада ундан олдин ҳам ўтказилган бўлиши мумкин.

● Ўша вақтларда Олимпиада фақат бир кун давом этган. Маълум муддат ўтгач, бу вақт 5 кунгача чўзилган. Ҳар бир кун маълум бир мусобақа учун ажратилган. Дастлабки Олимпия ўйинларида фақатгина битта мусобақа – юриш бўлган (192, 27 метр масофага). Аста-секин Олимпия

ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ ҚАЧОНДАН БЕРИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАДИ?



дастурларига янги мусобақалар – диск улоқтириш, кураш, аравачалар пойгаси, узоққа сакраш ва куч синашиш кабилар киритилган.

● Замонавий Олимпия ўйинлари XIX асрда француз жамоат арбоби Пьер де Кубертен томонидан қайта тикланган ва у 1896 йилдан бошлаб ҳар тўрт йилда ўтказилган (жаҳон уруши йилларидан ташқари). 1924 йилда кишки Олимпия ўйинлари ташкил этилиб, дастлаб улар ёзги ўйинлар бўлиб ўтадиган йилда ўтказилар эди. Аммо 1994 йилдан бошлаб уларнинг вақти ёзги ўйинлар вақтига нисбатан икки йилга сурилди. Олимпия ўйинларидан бир неча кун ўтгач, имконияти чекланганлар учун Паралимпия ўйинлари ҳам худди шу спорт иншоотларида ўтказиларди.

● Қадимги Юнонистонда ўтган Олимпия ўйинлари ўзига хос миллий руҳда ташкил этилган. Бундан ташқари, фақат озод туғилган юнонларгина мусобақаларда қатнашиш ва уларни томоша қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

● Олимпиада мусобақаларига аёл кишилар кириши ва иштирок этиши қатъиян тақиқланган.

Фақатгина биргина аёл – Деметра ибодатхонасининг хизматчиси кириши мумкин бўлган, бунинг учун унга алоҳида жой ҳозирланган.

● Бугун замонавий спортда қондани бузганликлари учун атлетларга қизил ёки сариқ карточка беришлари, тўплаган очколарини олиб ташлашлари, дисквалификация қилишлари мумкин. Авваллари эса бундай бўлмаган. Қадимги греклар жуда қаттиққўл бўлишган. Масалан, бирор атлет стартга эртароқ чиқса, уни таёқлар билан савалашган. Мусобақа иштирокчилари носоглом рақобат қилса, қондаларни бузса, уни тошбўрон қилишган ва ҳатто ўлдириб юборишган. Чунки қондаларга риоя қилмаслик Зевс (Қадимги Юнон худоси)га нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланган.

● 394 йилда Рим императори Феодосий I Олимпия ўйинлари ўтказишни тақиқлаган. Римликларнинг фикрича, Олимпиада христиан динининг греклар орасида тарқалишига салбий таъсир кўрсатган (тўсқинлик қилган).

С. МАМИРЖОНОВА
тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Одамлар тўрт нав бўлади.
Бирини улқи, билди ва билганини ҳам билди. У олимдир, унга бўйсунуш керак.
Бирини улқи, билмас ва билмаганини билар. У қобилиятли, унга ўргатмоқ керак.
Бирини улқи, билар ва билганини билмас. У ўйқудадирки, уни ўйғотмоқ лозим.
Бирини улқи, билмас ва билмаганини ҳам билмас. У жоҳилдирки, ундан қочмоқ керак.

«Қобуснома»дан

БИЛАСИЗМИ?

XI–XII асрларда Зарафшон водийсининг Фалгар деган воҳасида яшаган ҳунармандлар ўз ишини бошлашдан аввал, отнинг думига лой суртиб, дарёнинг у қирғоғидан бу қирғоғига ҳайдаб ўтган. Нима учун? Улар қандай маҳсулот тайёрлаган?

‘neftmīlā tmiž
neftn ‘esewetē gide etwālo
dow izetmīlā lniito del
-tnewdenlā ‘neftlā wānlā
ideletmīgo dltmew lniitodox
-lā etwāwāwā lā neftē
:gawēj

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

«Чўққида қолган
овчининг
охи-зори»

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Аҳрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ

Саҳифаловчилар:

лейтенант
Рамиз ВАЛИЕВ
Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусахҳихлар:

Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-762
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 32 660 нуска.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума кuni чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.